

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

УДК: 809.27-8

ББК: 81,2-5

А-15

**АБДУЛЛАЕВА ИРОДА ЁРҚИНЖОН ҚИЗИ**

**БАЛОҒАТ ИЛМИДА КИНОЯ ВА ИСТИОРАНИНГ ИФОДАЛАНИШИ  
(АБУ БАКР АС-САККОКИЙНИНГ “МИФТАҲУ-Л-УЛУМ” ВА  
МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “АЛ-КАШШОФ” АСАРЛАРИ  
АСОСИДА)**

5A120102 – Лингвистика (араб тили)

**МАГИСТР**

академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Аннотация** - Мазкур тадқиқот ишида “Мифтаху-л-улум” асарининг Байрут нашридан ва “Ал-Кашшоф” асаридан фойдаланилган. Саккокий Хоразмийнинг араб тилининг балоғат илмига оид қарашлари, Замахшарийнинг Қуръон оятларининг тафсири ва унинг оятларда қўлланган балоғат санъатлари ҳақидаги илмий қарашлар баён қилинган.

Илмий раҳбар:

ю.ф.н., доц. Б.Бегматова.

Магистратура бўлими бошлиғи:

ф.ф.н. Сайдазимова У.Т.

ТОШКЕНТ-2013

## **МУНДАРИЖА:**

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ</b>	
1.1.Балоғат ва фасоҳат илмлари ҳақида умумий маълумот.....	10
1.2.Балоғат илмининг ривожига ҳисса қўшган олимлар.....	27
1.3.Балоғатнинг таркибий қисмлари.....	34
<b>II БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИДА КИНОЯ ВА УНИНГ ТИЛШУНОСЛИҚДА ТУТГАН ЎРНИ</b>	
2.1.Балоғат илмининг “Илмул баён” қисмида кинояга берилган таърифлар.....	38
2.2.Киноя ва унинг турлари.....	42
<b>III БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИДА ИСТИОРА ВА УНИНГ ТИЛШУНОСЛИҚ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ТАҲЛИЛИ</b>	
3.1.Истиора ҳақида умумий тушунча.....	56
3.2.Истиора ва унинг турлари.....	61
Хулоса.....	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75
Илова.....	80

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Юртимиз мустақиллигини қўлга киритгач, халқимиз учун барча соҳада янги давр бошланди. Юртимизда яшаб, араб тилининг турли соҳаларида сермахсул ижод қилган алломаларимизнинг ҳаётлари ва бой илмий меросларини илмий асосда чуқур ўрганиш долзарб масалалардан бирига айланди. “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”<sup>1</sup>.

Ўзбек халқи миллий ва диний қадриятларига тўлақонли эга бўлиб, аجدодларимиздан қолган улкан маънавий-илмий меросга муносабат бутунлай ўзгарди. Бу чексиз меросни ўрганиш учун кенг имкониятлар очилди. Жумладан, турли илм соҳаларига оид нодир қўлёзма асарлар тадқиқ, таҳлил ва таржима қилинган ҳолда халқимиз қўлига етиб бора бошлади. Собиқ шўролар ҳукмронлик даврида ўзликни англаш кескин тазйиқ остига олинган эди. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишнинг ўзи жиноят эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган ҳар қандай манбалар иложи борича халқ кўзидан йироқ сақланарди. Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолган эдик”<sup>2</sup>.

Истиқлол йилларида, айниқса, иқтисодий, ижтимоий ва илмий-маънавий ишларга юксак даражада эътибор қаратилмоқда, миллий ўзликни англаш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан, буюк сиймоларимиз номларини тиклаш, уларнинг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 524.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т.7.- Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 142.

кадамжоларини ободонлаштириш, энг асосийси, улар қолдириб кетган мўътабар асарлардан жамият ривожига кенг миқёсда фойдаланиш учун барча шароит яратиб берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов аждодларимиз қолдириб кетган илмий-маънавий меросни баркамол авлодни тарбиялашда қанчалик аҳамиятли эканини қуйидагича таъкидлайди: “Бу улуғ меросни аввало ўзимиз учун, келажак авлодлар тарбияси учун беқиёс маънавий озиқ деб билмоғимиз даркор”<sup>3</sup>.

Араб тилида яратилган қўлёзма ёдгорликлар қадимги давр маданий меросининг ажралмас қисмини ташкил этади ҳамда Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданияти тарихини тадқиқ қилиш жараёнида илмий билимларнинг тенги йўқ дурдонаси ҳисобланади.

Кам ўрганилган ёзма ёдгорликларни илмий истифодага киритиш, уларни ўрганиш, тадқиқ қилиш Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини намоён этувчи манбаларни баҳолашда битмас-туганмас хазинадир<sup>4</sup>.

Қадим ўтмишдан буён заминимизда ҳар томонлама етук алломалар яшаб келишган. Аждодларимиз инсониятга маълум бўлган барча илмларни ўрганишган, изланишган ва ўша илмларни янада ривожлантиришган. Бу ҳолат барча даврларда бирдек давом этган бўлса ҳам ўрта асрларда, аниқроғи IX-XIII асрларда ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Бу даврда ўзларининг илмий фаолиятлари билан жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган Мовароуннаҳрлик буюк алломалар силсиласи етишиб чикди. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур Саъалабий, Абу Ҳафс Насафий,

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз // Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 118.

<sup>4</sup> Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. - Тошкент: ТДШИ кичик босмаҳонаси, 2001. – Б.3.

Маҳмуд ибн Умар Замахшарий, Юсуф Саккокий ва бошқа кўплаб алломалар шулар жумласидандир.

Юқорида зикр этилган аждодларимиз орасида X асрнинг серкирра алломаси хоразмлик аллома Саккокий ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Унинг “Мифтаҳу-л-улум” (“*Илмларнинг калити*”) номли асари ўхшаши йўқ илмий манба бўлиб, ундаги тилшунослик ва адабиётшуносликка оид атамаларнинг изоҳланиш қоидаларини ўрганиш ўрта асрларда яратилган классик араб тили ва ўша даврга оид манбаларни ўқиб тадқиқ қилишда аҳамиятлидир.

Шунингдек, барҳаётлигидаёқ “Дунёнинг устози”, “Оллоҳнинг қўшниси”, “Адиблар каъбаси”, “Араблар ва ажамлар устози”, “Хоразм фахри” каби шарафли номларга сазовор бўлган аллома, беназир инсон, юртимиз фахри, кўхна Хоразм фарзанди Маҳмуд Замахшарий жаҳон фани ва маданияти ривожига ўзининг ўлмас мероси билан улкан хисса қўшган. Унинг ҳам грамматик, ҳам тафсир, ҳам балоғатга оид “Ал-Кашшоф” асари ўз бобида ягона ва беназир асар ҳисобланади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Муҳаммад Абу Яъқуб Саккокийнинг “Мифтаҳу-л-улум” асари турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган ва муаллиф яшаган даврда тилшуносликка, адабиётшуносликка оид соҳаларнинг тарихий мажмуаси сифатида эътироф этилган. Рус олими Ю.И. Крачковский “Танланган асарлар”ининг 6-жилдида бу ҳақида тегишли маълумотларни келтириб ўтади. Бундан ташқари, Саккокий ва унинг мероси ҳақида Зайнуддин Қутлубуғонинг “Тажу-т-таражим фи табақати-л-ҳанафия”, Қурашийнинг “Ал-жавоҳиру-л-музийя”, Жалолиддин Абдурахмон Суютийнинг “Бағияту-л-вуъот” каби асарларида ҳам етарлича далиллар келтирилган.

Ушбу асарнинг илмий-танқидий матни 1982 йилда Бағдодда доктор Ақром Усмон Юсуф томонидан тузилиб, унинг муқаддимасида Саккокийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид тадқиқот амалга оширилган. Шунингдек, замонавий олимлардан Абдурахмон Жабарти “Ажаъиб ал-асар

фи-т-тарожим ва-л-ахбор” номли илмий ишида ҳам “Мифтаху-л-улум” асаридан иқтибос келтиради.

Саккокийнинг илмий фаолияти нафақат шарқ, балки ғарб тадқиқотчиларининг ҳам эътиборини тортган. Ғарб олимларидан Карл Броккелман ўзининг “Тариху-л-адаби-л-арабий” номли асарида Саккокийнинг “Изоҳ” ва “Шарҳу-л-изоҳ” деган китоблари ҳам бор, дейди. Саккокий илмий меросини ўрганган бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида “Шарҳу-л-изоҳ” асари хақида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, бу икки китобдан биринчиси Саккокийга тегишли эмас. “Кашфи Зунун” асарида Имом Абдурахмон ибн Аҳмад Табарий, Абу Фаҳд Басрий ва Жаъфар ибн Ҳарбларнинг ҳам “Изоҳ” номли асарлари мавжуд бўлганлиги хақида аълумот берилган. Шунингдек, Хатиб Қазвийнинг ҳам “Изоҳ” номли китоби мавжуд.

Бундан ташқари, Россия ва МДҲ давлатларида амалга оширилган тадқиқотларда Саккокий мероси филологик жиҳатдан ўрганилган. Мақсудов Бадриддиннинг “Фахриддин Ироқий ва унинг форс-тожик адабиёти тарихидаги ўрни” номли тадқиқотида ҳам унинг меросига мурожаат қилинади.

Ўзбекистонлик шарқшунос олима М. Зиёвуддинованинг “Юсуф ас-Саккокий ва унинг “Мифтаху-л-улум” асари”, С.Рустамийнинг “Балоғат илми ривожида Ўрта Осиё олимларининг роли ва ўрни” ва Т. Сайдумарованинг “Юсуф ас-Саккокий ва унинг “Мифтаху-л-улум” асари” номли мақолалари алоҳида диққатга сазовордир.

Юқоридаги тадқиқотлар олим ҳаётини ва илмий меросини ўрганишга ёрдам беради, лекин асарнинг баён қисми ва унинг таркибига кирувчи киноя ва истиора махсус тадқиқ қилинган эмас.

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан юксак баҳоланган. Унинг асарлари жуда кўп ўрганилиб, унга

шарҳлар ёзилган. Алломанинг Қуръон тафсирига бағишланган “Ал-Кашшоф” асари унинг қолган асарлари ичида кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Аммо ушбу асар тўла тадқиқ этилмаган ва унинг айниқса, балоғат илмига оид жиҳатлари тўла очиб берилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Муҳаммад Али Саккокийнинг “Мифтаху-л-улум” асарининг балоғат илмига оид бўлимини ўрганиш, шунингдек, балоғатнинг таркибий қисмлари, баён илмига оид киноя ва истиорани тадқиқ қилиш шунингдек, мисолларда келтирилган Қуръон оятларининг тафсирини ҳамда балоғат таркибий қисмларининг қўлланилишини “Ал-Кашшоф” асари асосида ўрганиш тадқиқотнинг асосий мақсадидир. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Саккокий ал-Хоразмий ва Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий меросини асл манбалар ва турли тадқиқотлар асосида ўрганиш;
- “Мифтаху-л-улум” асарининг мазмуни ва тузилишини тавсифлаш;
- Балоғат ва фасоҳат илмини турли манбалар асосида чуқур ўрганиш;
- Балоғат илмининг ривожига хисса қўшган тилшунос ва адабиётшунос олимлар ва уларнинг асарлари билан танишиш;
- Балоғат илмидаги киноя ва истиорани “Мифтаху-л-улум” асари асосида ўрганиш;
- Тадқиқотда келтирилган Қуръон оятларини “Ал-Кашшоф” асари орқали тадқиқ этиш.

**Тадқиқот объекти.** Саккокийнинг “Мифтаху-л-улум” ва Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асарлари, шунингдек, балоғат илмига оид бошқа тарихий ва замонавий асарлар тадқиқот объекти қилиб олинди.

**Тадқиқот предмети.** Саккокий Хоразмийнинг араб тилининг балоғат илмига оид карашлари, Замахшарийнинг Қуръон оятларининг тафсири ва унинг оятларда қўлланган балоғат санъатлари ҳақидаги илмий карашлари тадқиқот предмети қилиб белгиланди.

**Тадқиқот манбалари.** Мазкур тадқиқот ишида “Мифтаҳу-л-улум” асарининг Байрут нашридан ва “Ал-Кашшоф” асаридан фойдаланилди.

**Илмий ишнинг методологик асослари.** Диссертация мавзусини ёритишда тилшунослик ва мумтоз филология соҳасида эришилган сўнгги ютуқлар, хулосалар ва услубларга таянилди. Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон шарқшунос олимлари томонидан манбашунослик, тилшунослик ва луғатшунослик соҳасида қўлланилган таҳлил, тавсиф услубларидан фойдаланилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг маданият ва маънавият масалалари акс этган асарлари тадқиқот учун методологик асос бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Мазкур тадқиқотда Юсуф Саккокийнинг “Мифтаҳу-л-улум” асарида балоғат илмининг акс эттирилиши ўрганилди ва ушбу асар ўзига хос услуб билан ёритилган, чунки Саккокий балоғат илмининг ёритилишини бир тартибга солган; тадқиқотда балоғат илмининг баён бобига оид киноя ва истиора тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилди; “Ал-Кашшоф” асаридан киноя ва истиорага оид мисоллар олиниб, шарҳланди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда Юсуф Саккокийнинг “Мифтаҳу-л-улум” асарида балоғат илмининг ифода этилиши ва ундаги балоғат илмига оид киноя ва истиоранинг изоҳланишини ўрганиб чиқиш, “Ал-Кашшоф” асаридан мисоллардаги оятларга шарҳ келтириш ишнинг назарий аҳамияти деб белгиланди. Тадқиқот натижаларидан балоғат ва фасоҳат илмларини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Ушбу тадқиқот диёримиздан етишиб чиққан буюк алломалар Муҳаммад Али Саккокий ва

Маҳмуд Замахшарийнинг фаолияти ва уларнинг асарлари ҳақида қимматли илмий маълумот беради.

Тадқиқот хулосаларидан келгусида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида “Балоғат илми”, “Фасоҳат илми”, “Марказий Осиё алломалари” каби фан ва махсус курслар бўйича ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Магистрлик ишининг тузилиши.** Ушбу тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, ҳар бир боб ўз навбатида ички фаслларга бўлинган.

# I. БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

## 1.1. Балоғат ва фасоҳат илмлари

Араб адиблари тилни билиш даражасини иккита деб биладилар:

1. الفصاحة – “фасоҳат” грамматик қоидаларни ва сўзларни маъноларини бузмай тўғри сўзлаш ва ёзишдир. Бу даражага етганларни فصيح деб атайдилар.
2. البلاغة - “балоғат” тўғри ва ўз ўрнида гапириш ва ёзишдир. Бу даражага етганлар بليغ (етук, камолга етган) деб аталадилар<sup>5</sup>.

Адибларнинг таъкидлашича, тўтиқуш ҳам فصيح бўлиши, яъни унга тўғри сўзлашни ўргатиш мумкин. Аммо у ҳеч қачон بليغ бўла олмайди, чунки у қайси гапни қачон гапириш кераклигини билмайди.

1. Фасоҳат сўзи луғатда “очиқ-ойдин”, “равшан”, “соф бўлиш” маъноларини билдиради. У “фасх” сўзидан олинган бўлиб, бирор бир нарсани уни булғайдиган нарсдан холи бўлишини англатади. Аслида эса, бу сўз сутга нисбатан ишлатилиб, сут кўпиксиз бўлганда уни “фасих” бўлди, яъни тиниқ бўлди дейилади<sup>6</sup>. Назло ас-Суламий исмли шоирнинг бир шеърида қуйидагича байт келган:

وتحت الرّغوة اللبن الفصيحُ

*Кўпик остида эса тиниқ сут бор*

Инсонга нисбатан فصيح сўзи кўчма маънода ишлатилиб, тилнинг нутқ борасида нуқсондан халос бўлишига нисбатан қўлланади. Бирор кишининг забони тиниқ, равон бўлса, унга қарата “أفصح فلان في منطقه”<sup>7</sup> яъни, “фалончи нутқида фасих бўлди” дейилади.

<sup>5</sup> حفني باصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان – المنصورة. 2009. – ص. 11.

<sup>6</sup> Ўша жой.

<sup>7</sup> أساس البلاغة: انطلق لسانه بها و خلصت لغته من اللكنة. أبي القاسم جار الله محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمي. - مصر: دار الكتب، 2001. – ص. 45.

Истилоҳда, яъни термин сифатида сўз, гап ва гапирувчига сифат тарзида ишлатилади. Фасоҳат сўздаги, гапдаги фасоҳат ва сўзловчи фасоҳати каби турларга бўлинади.

**Сўздаги фасоҳат** деб, сўзда ҳарфлар номутаносиблиги, сўзнинг морфологик қиёсга хилофлиги, бегоналиги, яъни нотаниш бўлмаслиги ва кулоққа ёқимсизликнинг бўлмаслигига айтилади<sup>8</sup>.

1. Ҳарфларнинг ўзаро номутаносиблиги (تنافر الحروف) бу бир махраждан чиқадиган ҳарфлар ёнма-ён келиши бўлиб, уларни талаффуз қилиш тилга оғирлик қилади, қийинчилик туғдиради. Масалан, "هُنَّعُ" (сахрода ўсувчи ўсимлик). Бу сўздаги барча ҳарфлар халқум ҳарфларидир. Шу сабабли ҳам ушбу сўз талаффуз учун оғирдир.

2. Сўзнинг морфологик қиёсга хилоф келиши (مخالفة القياس). Бунда сўзнинг сарф қоидаларига биноан қолипга мос келмаслиги назарда тутилади. Масалан, "بُوقٌ" сўзидан "بُوقاتٌ" шаклида ясалган кўплик. Мутанаббийнинг бир шеърида ушбу сўз айнан шу шаклда келган:

ففي الناس بوقات لها وَ طُبُوءٌ      فإن يكُ بعضُ الناس سيفًا لدولةٍ

*Давлат учун қилич бўлса баъзи одамлар,*

*Аммо улар орасида бордир карнай-сурнайлар.*

Аслида "بُوقٌ" сўзининг кўплиги сарф қоидаларига биноан "أبواقٌ" бўлиши керак.

3. Сўзнинг бегоналиги (الغرابية), яъни нотанишлиги бу сўзнинг маъноси ҳаммага ҳам тушунарли эмаслигидир. Масалан, "تَكَأُ" феъли (اجتمع – тўпланмоқ маъносида), ёки "انصرف" (افرنقع – кетмоқ маъносида).

Бундай сўзларнинг “бегона” лигига сабаб шуки, улар камдан-кам ҳолларда ишлатилади. Лекин бундан, оз ишлатиладиган, кўпинча фақат бадий адабиётда учрайдиган сўзлар ғайри фасих бўлиб қолмайди. Бундан келиб чиқадикки, “бегона” сўзлар уларнинг одамлар ичида машҳур бўлиб кетган

<sup>8</sup> حفني باصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان – المنصورة، 2009. – ص.12.

синонимлари кенг қўлланилиши туфайли истеъмолдан чиқиб кетган архаик сўзлар бўлиб, маъносини ҳозирда жуда кам сонли кишилар биладилар. Асарларда келган, аммо суҳбатда кам қўлланадиган сўзларнинг эса маъноси тушунарсиз эмас, улар фақат кундалик турмушда кам ишлатилади холос.

4. Қулоққа ёқимсизлик (الكراهة في السمع) бу гапда тинглашга ёқимсиз ва қўпол талаффуз қилинувчи сўзнинг мавжудлигидир. Масалан, “الْجَرَشِيُّ” (кўнгил) сўзи ана шундай сўзлар сирасидандир. Шоир Мутанаббий Сайф уд-Давлани мақтаб ёзган қуйидаги байтда ушбу сўзни қўллаган:

مُبَارَكُ الْإِسْمِ أَغْرُ الْقَبِّ كَرِيمُ الْجَرَشِيِّ شَرِيفُ النَّسَبِ

*Муборак исм, юксак унвон, кенг кўнгилли ва насаби шарафли...*

Гапдаги **фасоҳат**нинг 5 та шарти бор: ундаги сўзларнинг ўзаро номутаносиб бўлмаслиги, синтактик жиҳатдан тушуниш қийин бўлмаслиги, сўзлари фасоҳатли бўлиш шарти билан гапнинг чигал бўлмаслиги, такрорнинг ва изофа бирикмаси (мослашмаган аниқловчи)нинг кўп бўлмаслиги.<sup>9</sup> Уларга кенгроқ тўхталиб ўтсак:

1. Сўзлардаги номутаносиблик (تنافر الكلمات) жумлага нисбатан ишлатилганда бир-бирига ўхшаш сўзларнинг кетма-кет келиб, талаффуз қилишга қийин бўлиши назарда тутилади. Масалан:

فِي رَفْعِ عَرْشِ الشَّرِّعِ مِثْلَكَ يَشْرَعُ

*Шариат тахтини кўтаришни сен кабилар бошлагай*

Яна бир ражазда ёзилган байт:

وَقَبْرُ حَرْبٍ بِمَكَانٍ قَفْرُ      وَلَيْسَ قَبْرُ قَبْرِ حَرْبٍ قَبْرُ

*Ҳарбнинг қабри ҳилват жойдадир,*

*Ҳарбнинг қабри яқинида қабр йўқдир.*

---

<sup>9</sup> И. Н.Хайбуллин. Стилистика арабского языка. - М.: Наука, 1999. – С.42.

Ҳарб ибн Умайя – биринчи уммавий халифа бўлмиш Муовия ибн Абу Суфённинг бобоси. Бу шеърни эса унинг қотили бўлган бир мажнун кўча-кўйда айтиб юрган.<sup>10</sup>

Юқоридаги байтларни киши тutilмасдан кетма-кет талаффуз қила олмайди. Ундаги сўзлар гарчи алоҳида олганда тилга қийинчилик туғдирмаса ҳам, бирга нутқ қилганда бир махраждан чиқадиган харфлар уйғунлашувига дуч келади.

2. Синтактик жиҳатдан тушунишга қийин бўлиши (ضعف التأليف) бу жумланинг барчага маълум бўлган наҳв қоидаларига мос келмаслигидир. Масалан:

جَزَى بَنُوهُ أَبَا الْغِيلَانَ عَنْ كَبِيرٍ وَحُسْنُ فِعْلٍ كَمَا جُوزِي سِنِمَارٌ<sup>11</sup>

*Ўзиллари Абу Ғийлонни кексайгани ва яхши ишидан кейин Синеммар жазолангани каби жазолашди*

Салит ибн Саиднинг юқоридаги байтида "جَزَى بَنُوهُ"даги қайтувчи олмош ўзидан кейин келаётган "أَبُو الْغِيلَانَ"га ишора қилган, ваҳоланки "қайтувчи олмош" ўзидан олдинги сўзни билдириб келиши керак.

3. Гапнинг чигал бўлиши ундан кўзланган мақсадни англаб олишни қийинлаштиради. Бу мужмаллик икки хил йўл билан содир бўлади:

А) Сўзларнинг ўз ўрнида келмаслиги ёки ёнма-ён туриши керак бўлган сўзларнинг ўртасига бошқа сўзлар тушиши натижасида юзага келадиган чигаллик "лафзий чигаллик" (التعقيد اللفظي) дейилади. Масалан, шоир Мутанаббий бир шеърда шундай дейди:

جَفَحَتْ - وَ هُمْ لَا يَجْفَخُونَ بِهَا - بِهِمْ شَيْئٌ - عَلَى الْحَسَبِ الْأَعَزِّ - دَلَائِلُ

<sup>10</sup> جواهر البلاغة. سيد أحمد الخاشمي. - بيروت، 1999 – ص.56.

<sup>11</sup> Синеммар-Ҳуфу еҳромини қурган муҳандис. Фиръавн бошқа бундай пирамида қурилмаслиги учун уни ўлдириб юборган.

*Далолат қилувчи энг азиз ҳасабга хислатлар улар билан, улар у билан фахрланмасаларда, фахрланади*

Бу ерда "شَيْمٌ" сўзи "جَفَحَتْ" феълининг фоили бўлиб, уларнинг ўртасида хол эргаш гап келган ва бунинг натижасида "بها" ва "بهم" ёнма-ён келиб қолган. Бундан ташқари, эга (شَيْمٌ) ва унинг мослашган аниқловчиси (دلَائِلٌ) кетма-кет жойлашмаган, улар ўртасига аниқловчининг воситали тўлдирувчиси тушган. Агарда байтдаги сўзларни наҳв қоидаларига биноан тўғри тартибда жойлаштирсак, у қуйидагича кўринишда бўлади:

جَفَحَتْ بِهِمْ شَيْمٌ دَلَائِلٌ عَلَى الْحَسَبِ الْأَعَزِّ وَهُمْ لَا يَجْفَحُونَ بِهَا

*Энг азиз ҳасабга далолат қилувчи хислатлар улар билан фахрланади, ваҳоланки, улар бу хислатлари билан фахрланмайдилар*

Б) Мажоз ва киноялар нотўғри қўлланилиши ёки сўзларнинг нотўғри танланиши орқали ундан кўзланган мақсадни англаб бўлмаслиги натижасида келиб чиқадиган чигаллик “маъновий чигаллик” (التعقيد المعنوي) дейилади. Масалан:

سَأَطْلُبُ بَعْدَ الدَّارِ عَنْكُمْ لِتَقْرَبُوا وَتَسْكُبَ عَيْنَايَ الدُّمُوعَ لِتَجْمُدَا

*Мен уйнинг сиздан узоқ бўлишини сизнинг яқин бўлишингиз учун тилайман, кўзларим эса ёш тўкаверадик, қурисин деб...*

Юқоридаги байтнинг муаллифи Аббос ибн Ахнаф (ваф. 808 й.) ўз шеъри орқали яқин инсони билан такрор учрашганда кўзларидаги ёшлар тўхташини, йиғламаслигини айтмоқда. Лекин танланган феъл “لِتَجْمُدَا”нинг маъноси йиғлагиси келсада кўзларидан ёш чиқмаслигини билдиради. Бу байтда эса йиғидан тўхташ маъносидаги феъл жоиз эди.

4. Такрорнинг кўп бўлиши (كثيرة التكرار). Такрорнинг кўп учраши гап қай бир тилда сўзланмасин, камчилик ҳисобланади. Қуйидаги байтга эътибор қаратайлик:

وَتُسْعِدُنِي فِي عَمْرَةٍ بَعْدَ عَمْرَةٍ سَبُوحٌ لَهَا مِنْهَا عَلَيْهَا شَوَاهِدٌ

*Қийинчиликдан кейинги қийинчиликда мени зотдор, тез югурувчи  
от хурсанд этади*

Бу байтда “هَا” бирикма олмоши қаторасига уч марта такрор келган. Шу сабабли ушбу гап фасоҳатли ҳисоблана олмайди.

5. Изофа бирикмасининг кўп бўлиши (كثيرة الإضافة). Изофа занжирининг жуда узоқ бўлиши гапнинг тушунилишини мураккаблаштиради. Масалан:

يَا ابْنَ بِنْتِ عَمِّ أَحْمَدَ

*Эй, Аҳмад амакининг қизининг ўғли!*

Бу мисолда учта изофа бирикмаси келган бўлиб, улар қуйидагилар:

ابْنُ بِنْتٍ - қизнинг ўғли

بِنْتُ عَمِّ - амакининг қизи

عَمُّ أَحْمَدَ - Аҳмад амаки

**Сўзловчи фасоҳати** – қандай мавзуда бўлмасин фасоҳатли калом билан ўз фикрини баён қилиб бера олиш, нутқида юқорида санаб ўтилган сўз ва гап фасоҳатига риоя қилиш қобилияти “нотиқ фасоҳати” дейилади. Шунингдек, нотиқ тингловчилар эътиборини ҳам ўзига, ҳам сўзлаётган нутқига қарата олиши муҳимдир<sup>12</sup>.

2. البلاغة – Балоғат илми Европа халқларида маълум бўлган риторика илмига яқиндир (риторика – красноречие – гапни ўз ўрнида чиройли қилиб ишлатиш). Аммо араблардаги балоғат илмининг риторикадан фарқли жихатлари ҳам бор. Хусусан, у тилшунослик ва адабиётшуносликка баробар оид бўлган стилистика (ифода услуби)ни ҳам ўз ичига олади. Рус тилшуноси академик Виноградовнинг таъбири билан айтганда, “стилистика бу - тил билимларининг чўққисидир”.

حفني باصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان – المنصورة. 2009. – ص. 20.<sup>12</sup>

Балоғат илми дастлаб *البدیع* - ал-бадиъ номи билан аталган. Кейинчалик бадиъ илмига *علم المعاني* – маънолар илми, *علم البيان* – баён илми қўшилиб, балоғат илмини ҳосил қилган. Абдуллоҳ ибн Муътазз ўзининг "كتاب البدیع" номли асарида бадиий тасвир воситаларидан 19 тасини баён қилиб, Қуръони карим, ҳадислар ва ўша замон шеъриятдан мисоллар келтириб тушунтиради.

*بديع* сўзи асли “янги яратилган” деган маънони билдиради. Шунга кўра, бу атама дастлаб бадиий тасвир воситаси деган маънони эмас, балки, янги, илгари учрамаган ўхшатиш, истиора ва шу кабиларни билдирар эди. Аста-секин “бадиъ” сўзининг маъноси ўзгариб, умуман чиройли, образли гап, ибора ва асарларга нисбатан ишлатила бошлади. Кейинчалик бадиёт илмига *علم المعاني* - маънолар илми, *علم البيان* – баён илми қўшилиб балоғат илмини ҳосил қилган.

Абдуллоҳ ибн Муътазздан кейинги адиблар бу илми кенгайтириб бордилар. Масалан, Қудама ибн Жаъфар, Абу Ҳилол ал-Аскарий, Рашидуддин ал-Қираваний, Абдул Қодир ал-Журжоний ва бошқалар. XII асрга келиб васф этилган бадиий тасвир воситаларининг сони 142-148 тага етди.

Араб тилшунослиги тарихидан маълумки, араблар ўз тилларининг грамматикасини тадқиқ қилишни бошлаганларида аввал синтаксис (*عِلْمُ النَّحْوِ*), кейин морфология (*عِلْمُ الصَّرْفِ*) вужудга келган. Сўнгра *عِلْمُ الْبَلَاغَةِ* – стилистиканинг асослари яратилган. Аммо ўша даврда мазкур фан бўйича алоҳида китоб мавжуд бўлмади, фақатгина ушбу илмга оид алоҳида саволларга жавоб тариқасида ёзилган кичик ҳажмдаги рисоаларгина мавжуд эди. Кейинчалик стилистика фани ривожлана боргани сари алоҳида асар ёзиш эҳтиёжи туғилган. Балоғат илмига оид биринчи китобни ёзган олим Абу Убайда (ваф. 825й.) бўлади. Унинг “*مَجَازُ الْقُرْآنِ*” номли асари Қуръондаги мажозга бағишланган. Кейинги асрларда балоғат илми ривожланиб бориб, у ҳақида ёзилган асарлар ҳам кўпайиб борган. Таъкидланганидек, балоғат

илми риторикага якин туради. Риторика сўзи юнонча “rhetorike” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “нотиклик санъати” маъносини англатади. Аммо тарихда бу атама ҳеч қачон бир маъноли талқин билан ажралиб турмаган.

Миср ва Оссурияда нотиклик санъатини қадрлашган бўлсада, сўзамолликнинг ватани Юнонистон ҳисобланади. Чунки, аввал ҳеч қаерда нутқ санъати бу даражада ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлмаган.

Риторикани “нотиклик тажрибасининг тизимлантирилиши” (Цицерон), “яхши сўзлаш ва ишонтириш қобилияти ҳақидаги фан” (Квинтилиан), “ишонтириш фани ва санъати” (Арасту) деб ҳисоблашган. Арасту шундай ёзади: “Риторикани мазкур предметга нисбатан ишонтиришнинг турли услубларини топиш қобилияти сифатида тавсифлаймиз”. Бошқа томондан худди шу риторика асарида Арасту риторикани “диалектикага мувофиқ санъат”, деб номлайди.<sup>13</sup>

Арабларда риторика санъатига яқинроқ турувчи “балоғат” сўзининг луғавий маъноси “етуклик” бўлиб, маънони тўғри ва фасоҳатли ибора билан очиқ-ойдин етказиб беришдир. Бунда танланган иборанинг айтилаётган ўрнига ва мурожаат қилинаётган шахсга нисбатан мос ва уйғун бўлиши билан бир қаторда кишига таъсир қиладиган, ўзига мафтун қиладиган каломлар мажмуасидан иборат бўлган жумлалар кетма-кетлиги бўлиши лозим. Балоғат, аввало, соф фикрий истеъдодга, гўзалликка таянадиган санъатлардан биридир.

Балоғатда тинглаш ва сўзлаш, рассомликда эса шакл ва рангларни кўришни ҳисобга олмаганда нотик билан рассом ўртасида фарқ йўқдек гўё. Рассом бир суратни чизиб, унга мос рангларни танлаш, сўнг топган рангларини кўзни қувонтирадиган, кишига таъсир қиладиган қилиш ғамини чекса, нотик бирор маъруза, мақола тузишда аввал унинг қисмлари тўғрисида

---

<sup>13</sup> Аристотель. Риторика. Античные риторика/под ред. Тахо-Годи.- М.: Наука, 1978. – С.67.

ўйлайди, сўнг осонроқ тушунилувчи сўз ва мавзуга боғлиқ услуб излайди. Кейин эса унинг гўзаллигини, кишиларга бўладиган таъсирини кучайтиришни ўйлайди. Демак, балоғат унсурлари – сўз, сўнг сўзларни ва услубларни танлашни жойига, мавзусига, тингловчиларнинг ҳолига, хоҳишига қараб амалга оширишдир.

Гоҳида бир сўз бир ўринда чиройли бўлса, бошқа бир ўринда қўлланганда ундай бўлмаслиги мумкин. Гоҳида гапнинг ўзида шундай бир гўзаллик, мафтункорлик бўлади, лекин шунга қарамасдан ўз ўрнида қўлланмаганлиги сабабли балоғат чегарасидан чиқиши ва кўзланган маънодан ўзга бир маънони ифодалаши мумкин. Бу эса тушунмовчилик ва танқидга олиб келиши мумкин<sup>14</sup>.

Луғатда «балоғат» сўзи «етиш, охирига етиш» маъноларини англатади. Тилшуносликда эса нутқдан кўзланган етук даражадаги маънони тўғри фасоҳат билан етказишга айтилади. Унда ҳар бир гап муносиб ўринда келади ва эшитганларнинг кўнгли ундан баҳра олади. Балоғат нутқ ва нотикда бўлади.

### **1.Нутқ балоғати.**

Нутқ фасоҳатли бўлиши билан бир вақтда, ҳолат тақозосига ҳам мос келиши лозим. Балоғатли калом мазмунан аниқ, ибораси фасиҳ бўлган, айтилаётган ўрнига ва тингловчиларга муносиб бўлган каломдир<sup>15</sup>.

Балоғатнинг икки чегараси бор:

- 1) Энг юқори даражаси. Бу – сўз билан ожиз қолдириш даражаси.
- 2) Энг пастки даражаси. Балоғатли олимлар наздида бу ҳайвонлар товушидан бир поғона юқори, яъни ҳайвонлар овозига яқин даражадир<sup>16</sup>.

---

<sup>14</sup> مصطفى امين و علي جارم. البلاغة الواضحة. البيان. المعاني. البديع. القاهرة: دار المعارف، 1999. – ص. 8.

<sup>15</sup> حفني باصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان – المنصورة، 2009. – ص. 21.

<sup>16</sup> أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. – ص. 193.

Ушбу икки чегара ўртасида кўпгина даражалар бўлиб, улар сўзга ҳусн бағишлайдиган жиҳатларнинг кўлами ва сифатига боғлиқ ва шу орқали фарқланади.

Нутқдаги балоғат фасоҳат шартларига риоя қилиши билан бир вақтда кўйидаги жиҳатларга ҳам эътибор қаратади:

1) Ҳол. У «мақом» ҳам дейилиб, гапирувчига ўз иборасини муайян бир суратда баён қилишга ундайдиган омил.

2) Вазият тақозоси, ҳолни эътиборга олиш. Уни «ҳолга яраша эътибор» ҳам дейилади. У нутқ баён қилинадиган махсус сурат деганидир. Мисол сифатида айтсак, мадҳ ошириб гапиришга чорлайдиган ҳол. Ёки эшитувчининг заковатини олайлик. Бу қисқа суратда баён қилишга чорловчи ҳол. Мадҳ ва заковатнинг ҳар иккиси ҳам ҳолдир. Ошириб ва ёки қисқа қилиб гапириш – вазият тақозосидир. Гапни узун ёки қисқа сўзлаш вазиятга мувофиқ келиш дейилади<sup>17</sup>.

**2. Нотиқ балоғати.** Қандай мақсадни ифодалаш бўлмасин, ўз фикрини балоғатли нутқ билан баён этиш қобилияти.

Нутқдаги номутаносиблик уни талаффуз қилиш, сарф (морфология)га қиёслаш билан, синтактик жиҳатдан нуқсонли ёки лафзий чигал бўлиши наҳв (синтаксис) билан, сўзнинг «бегоналиги»(нотаниш эканлиги) араб тилидан яхши хабардор бўлиш, такрорлаш орқали, маъновий чигаллик эса, баён қилиш орқали маълум бўлади<sup>18</sup>.

Илмий истилоҳда “балоғат” икки нарсада ишлатилади:

1. Грамматик жиҳатдан мукамал гапни ўз ўрнида ва тегишли ҳолатда қўллаш.
2. Сўзловчининг юқоридаги талабларга жавоб берувчи гапларни сўзлай олиш маҳорати.

---

<sup>17</sup> حفني باصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان – المنصورة، 2009. – ص.22.

<sup>18</sup> Ўша жой.

Фасоҳатли сўзлай олишга 6 йўл орқали эришилади:

1. Талаффузга қийин ҳарфларнинг сўз таркибида ёнма-ён келмаслигига эътибор бериш.
2. Сўзларнинг қоидага хилофлиги сарф орқали, яъни қолипга солиш орқали тўғирланади.
3. Наҳв ёрдамида гапларнинг қоида зидлигининг олди олинади.
4. Сўзларнинг ғариблиги (бегоналиги) кўп мутолаа қилиш орқали йўқотилади.
5. Илму-л баён жумлаларнинг маъно жихатдан мукамал бўлишини ўрганади.
6. Вазият тақозоси илму-л маъоний ёрдамида ўрганилади<sup>19</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, балоғат илми нотикдан нафақат мустаҳкам билим ва маҳоратни, балки фаросат ва нозик дидни ҳам талаб этувчи илмдир. Бу илм жуда кенг қамровли бўлиб, замонавий этика, эстетика, грамматика, сўзлар этимологияси, мантиқ, адабиётшунослик каби фанларни ўзида мужассамлаштирган.

Балоғат илми масалаларига бағишланган асарларни кўплаб олимлар ижодларида учратишимиз мумкин. Ана шундай олимлардан бири 1355-1418 йилларда Мисрда яшаб ўтган қомусий олим, машҳур котиб Аҳмад Қалқашандийдир. Олимнинг “Субҳ ал-аъша фи синоати-л-инша” номли энциклопедиясида илму-л-балоға масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, адабиётшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилади<sup>20</sup>.

---

<sup>19</sup> مصطفى امين و علي جارم. البلاغة الواضحة. البيان. المعاني. البديع. - القاهرة: دار المعارف، 1999. - ص. 19.

<sup>20</sup> أحمد القلقشندي. صبح الأعشاء في صناعة الانشاء. - مصر، 1980. - ص. 48.

Аҳмад Қалқашандий ўз асарининг балоғатга бағишланган бобини *صناعة الكلام* – “сўз санъати” деб номлайди. У балоғат илмини 6 асосга бўлиб ўрганadi.

1. *المعرفة بالمعاني* – Қалқашандийнинг айтишига кўра, маънолар 5 усулда ифодаланиши мумкин. Улар: “тўғри”, “нотўғри”, “ёлғон”, “эхтимолдан йироқ”, “ғалат”<sup>21</sup>.

“Тўғри” маъноларга رأيت زيدا каби саҳих, шубҳа уйғотмайдиган маъноларга айтилади.

“Нотўғри” сўзларга رأيت زيدا каби тўғри маъноли, аммо, жумла тузилиши нотўғри бўлган калималар киради.

“Ёлғон” атамаси грамматик тўғри тузилган сўзлар билан ифодаланган, лекин, ҳаётда содир бўлмайдиган ҳолатларни акс эттирган маъноларга нисбатан қўлланилади. Масалан: شربت ماء البحر – “денгизнинг сувини ичдим”. Бу жумланинг “ёлғон” дейилишига сабаб денгиз суви шўр бўлиб, ичишга яроқсиздир.

“Эхтимолдан йироқ” маъноларга رأيت قاعدا قائما (ўтирган ҳолатда турган одамни кўрдим) га ўхшаш лафзлар киради, чунки уларда ўзаро жам бўла олмайдиган ҳолатлар биргаликда берилади.

“Ғалат” да бир маъно назарда тутилиб, унинг акси талаффуз этилади. Масалан: ضربت زيدا (мен Зайдни урдим) дейишни назарда тутган ҳолда ضربني زيد (Зайд мени урди) дейиш.

2. *النظر في الالفاظ* – Қалқашандий сўзлар фасоҳатли бўлиши учун 4 та сифатдан ҳоли бўлиши лозим деб ҳисоблайди<sup>22</sup>. Улар қуйидагилар:

- **Ғариб бўлмаслиги.** Ғариб сўзлар 2 турли бўлади. Биринчи турга мутлақо ғариб, яъни нотаниш сўзлар киради. Иккинчи тур лафзлар эса, аслида

<sup>21</sup> أحمد القلقشندي. صبح الأعشاء في صناعة الإنشاء. - مصر، 1980. - ص.52.

<sup>22</sup> Ўша манба. – Б.54.

маълум сўзлар негизида, лекин қўлланмайдиган сарф қолиплари орқали ясалган сўзлардир.

- **Сўзларнинг олий бўлмаслиги.** Зиёли олим илмий сўзлардан, тор доирадаги кишиларга маълум бўлган терминлардан четланиши лозим. Уларнинг баъзилари фақат омма ишлатадиган сўзлар бўлса, баъзисини адиб аҳли ҳам қўллайди. Аммо, омма орасида у сўз бошқа маъно касб этиши мумкин.
- Фасоҳат талабларидан яна бири сўзда **талаффузи қийин ҳарфлар учрамаслиги** керак. Мисол учун, "هععع" (ўт-ўлан), "تكاكا" (йиғилмоқ) каби сўзлар. Уларнинг ўрнига "النبات" (ўт-ўланлар) ва "اجتمع" (йиғилмоқ, жамланмоқ) ни ишлатиш мақсадга мувофиқроқдир.
- **Сўзларнинг сарф қоидаларига хилофлиги** ҳам балоғатли сўзлашга зид ҳолатдир. Жумладан, "قَوْم" сўзи "قام" га, "مدد" сўзи "مد" га айланиши каби сарф қоидаларига амал қилмаслик хатодир.

3. ترتيب الالفاظ و تركيب الكلام – гап тузилиши. Жумланинг тўғри тузилиши балоғат илми талабларидан биридир. Қалқашандий Ал-Аттобийдан ривоят қилиб айтади: “Лафзлар жасаддир, маънолар – рухлар. Гапда сўзлар нотўғри жойлаштирилса, маъно ўзгариб, жумла хунук чиқади. Мисоли бош қўлнинг ўрнидан ёки қўл бошнинг ўрнидан ўсиб чиққандай.”

Қалқашандий жумла тузилишини 2 рукнда кўриб чиқади.<sup>23</sup>

**1-рукн.** Жумла фасоҳат талабларига асосан ясалган бўлиб, тўғри талаффуз қилиниши керак. Жумла сўзларидаги фасоҳатдан ташқари, яна бир қанча талабларга жавоб бериши керак:

- Гап бўлаклари умум қабул қилинган наҳв қоидаларига мувофиқ равишда тузилган бўлиши лозим.
- Чалкашликлардан ҳоли бўлиши керак. Баъзида жумлаларнинг маъноси яққол акс этмай қолади. У икки ҳолда намоён бўлади:

<sup>23</sup> أحمد القلقشندي. صبح الأعشاء في صناعة الإنشاء. - مصر، 1980. - ص. 57.

А) Маънавий чигаллик. Бунда гапдаги бирор сўз ўз ўрнида қўлланилмаганлиги боис, мақсад ноаниқ, маъно тушунарсиз бўлади.

Б) Барчага маълум маънони англатувчи иборалардан бошқа маънони ифодалаш учун фойдаланиш. Кўп маъноли сўзлардан фойдаланишда эҳтиёт бўлиш.

**2-руқн.** Сўзларнинг турли грамматик кўринишларидан вазият, қофия ва вазн тақазосига кўра моси танлаб олинади.

**4. المعرفة بالسجع** – насрда сўзларнинг ўзаро қофияланиб келиши ҳам балоғатли сўзлашувнинг талабларидан биридир. Сажъда ҳарфлар бир хил келиши ёки фақат вазнларгина мутаносиб бўлиши мумкин.

Нечта сўз сажъ ҳолатида турганига қараб сажълар икки турга бўлинади: қисқа ва узун. Қисқа сажъда камида иккита сўз иштирок этади. Узун сажъдаги сўзларнинг чегараси йўқдир. Жумладан, Қуръони каримда 15та, 19 та, ҳатто, 20 та сўздан иборат сажъларни кўришимиз мумкин. Сажъда иштирок этаётган сўзлар талаффузга осон бўлмоғи лозим.

**5. حسن الاتباع و القدرة علي الاختراع** – аввалда ўтганларнинг маҳоратларидан фойдаланиш ва янги усуллар ихтиро этиш ҳам балоғат асосларидан биридир. Аввалгиларга тақлид икки суратда бўлади:

1) Лафзларда эргашиш. Бунда ўз фикрини ифодалашда аввалгилар қўллаган иборалар қисман ёки тўлиқ ишлатилади.

2) Маъноларда тақлид қилиш. Ҳар бир нотик ўз сўзида аввалгилар ишлатган маъно, образлардан фойдаланади. Бунда ундай маъноларни ўз ўрнида қўллай билишни талаб этилади.

**6. الطبع السليم و خلو الفكر عن المشوش** - Кишида нозик диднинг мавжудлиги ва тафаккурнинг ғализликдан ҳоли бўлиши балоғатли сўзлаш санъатининг муҳим негизларидандир.

Қаерда, қандай жумлалар қўллаш айнан дид ва фаросат билан англашиладиган санъатдир. Бу жиҳатдан жумлалар 3 га бўлинади:

1. الایجاز – кўп маъноларни оз сўзлар билан ифодалаш. Қуръонда бундай оятлар жуда кўп келади.
2. الاطناب – у сўзамоллик бўлиб, ягона маънодаги синонимлардан кенг фойдаланиш демакдир.
3. المساواة – бунда сўзлар ўзи ифодалаётган маъно хажмидан ортиқ ҳам, кам ҳам бўлмайди<sup>24</sup>.

Ушбу билимлардан бохабар бўлган ва қўллай олган киши тингловчига катта таъсир ўтказиб, хаттоки, уни сўзлари билан сеҳрлай олади. Шу сабабли ҳам балоғат илми "السحر الحلال" (ҳалол сеҳр) деб таърифланади.<sup>25</sup>

Балоғат толиби араб тилининг сарф ва наҳвини яхши билиши керак. Балоғатнинг элементларига қуйидагилар киради: лафз, маъно, шунингдек, таъкид, таъсир ва ҳусн жиҳатдан пухта жойлаштириш, сўнг нутқнинг вақти, ўрни, мавзусига кўра, тингловчи ҳолатига, ҳукмронлик қилиб турган кайфият эътиборига кўра сўзларни ва услубни танлашдаги синчковлик кабилардир.

Балоғат илмидан олинадиган фойдалар:

- Қуръони Каримни мўжизавий, ақлларни ҳайрон қолдирадиган муқаддас китоб эканлигини англаш;
- Айтилган гапдаги яхши билан ёмонни тўла фарқлай оладиган бўлиш;
- Маънони ифодалаб беришда хатарли (шубҳага соладиган) нарсалардан узоқда бўлиш;
- Айтилган гапдаги сўзларнинг жойлашув таркибини яхши ўрганиб олиш;
- Соф адабий иборалар билан сўзлаган ҳолда тингловчи эътиборини жалб қилиш ва зериктириб қўймаслик.

Фасоҳат ва балоғат илмлари кўп ҳолатларда бирга, ёнма-ён келади. Баъзида иккисининг ҳам маъноси, таркибий қисмлари бир хилдек туюлади. Аммо уларнинг ўртасида катта фарқ мавжуддир.

<sup>24</sup> أحمد القافشندي. صبح الأعشاء في صناعة الإنشاء. - مصر، 1980. - ص.63.

<sup>25</sup> Ўша манба. - Б.65.

## Фасоҳат ва балоғат ўртасидаги фарқлар қуйидагилардан иборат:

- Фасоҳат илми фақат нутқ билан боғлиқ бўлади. Балоғат илми эса ҳам нутқ, ҳам маънога эътибор қаратади;
- Балоғат илми фасоҳат илмига қараганда умумийроқдир. Ҳар бир балоғатли нотик (بليغ), албатта, фасоҳатли (فصيح) бўлади, лекин фасоҳатчиларнинг ҳаммаси ҳам балоғатли бўлмаслиги мумкин;
- Фасоҳат илми сўз, гап ва гапирувчи билан алоқадор. Балоғат илми фасих сўзловчи (متكلم فصيح), фасих гап (كلام فصيح), муносиб мақом ва ҳолат (حال و ) (مقام مناسب) ҳамда муносиб тингловчи(مخاطب مناسب)ни талаб қилади. Шу шартларнинг бари бажарилиб, мужассам бўлганда нутқ балоғатда маромига етган ҳисобланади.<sup>26</sup>

Балоғат илми асл араблар фитратида табиий равишда мавжуд бўлган, энг чиройли жумлаларни танлаб, айтилмоқчи бўлган фикр-мулоҳаза ва ўйлар ифодаланадиган, адабий завқ олинадиган сўз санъати тури ҳисобланади. Бунга Жоҳилият даври шеърляти ва бошқа ажойиб араб услублари ёрқин мисол бўла олади. Вақт ўтиши билан ўзининг лол қолдирадиган балоғати билан Қуръони карим нозил бўлди. Натижада унинг балоғати олдида тиллар ожиз, унинг фасоҳати қаршисида ақллар ҳайрон бўлиб қолди.

Балоғат илмининг асосчиси сифатида эса Абдуллоҳ ибн Муътазз (IX аср) тан олинади. У ўзининг «كتاب البديع» асарида бадиий тасвир воситаларидан 19 тасини баён қилиб, Қуръони каримдан, ҳадислар ва ўша замон шеърлятидан мисоллар келтириб тушунтиради. Абдуллоҳ ибн Муътазздан кейинги адиблар бу илмни кенгайтириб бордилар. Масалан, Қудама ибн Жаъфар, Абду Хилал ал-Аскарый, Абдул Қодир ал-Журжоний ва бошқалар. Ҳижрий бешинчи асрда балоғатни ўрганиш кенг тус олди ва у қуйидаги билимларга бўлиб ўрганиладиган бўлди:

- Баён илми – «علم البيان»

<sup>26</sup> أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 175.

- Маънолар илми – «علم المعنى»
- Бадиият илми – «علم البديع»

Балоғатли нутқ бу сийқаси чиққан сўзлар ёки бозор доирасидаги суҳбат эмас, балки ҳар томонлама танланган гўзал каломдир. У тузилиш жиҳатдан мукамал жумлалар, қолипига кўра энг мақбул иборалар бўлиб, чиройли, тушунарли ва кучли маъноларни ўзида мужассам этади. Балоғатли нутқда гапнинг тингловчи ҳолига, кайфиятига ва ақл даражасига аҳамият берилади. Бу тўғрида Саккокий «لكل مقام مقال» - “ҳар мақом, ҳолатнинг ўз каломи, сўзи бор” дейди<sup>27</sup>. Тилшунос олимлар балоғатни таърифлаб, у ҳақда шундай деганлар:

«البلاغة مطابقة الكلام لمقتضيات الحال»<sup>28</sup>

*«Балоғат бу каломнинг ҳолат тақозосига мувофиқ келмоғидир».*

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, луғатда балоғат сўзи "النهاية", "الوصول", – “етиш, охирига етиш” маъноларига эга. Тилшуносликда эса нутқдан кўзланган етук даражадаги маънони тўғри фасоҳат билан етказишга айтилади. Унда ҳар бир гап муносиб ўринда келади ва эшитган кўнгилларга яхши таъсир этади. Фасоҳат сўздаги, гапдаги ва сўзловчи фасоҳати каби турларга бўлинади. Инсон фасоҳатли бўлмай туриб, балоғатли бўла олмайди. Демак, балоғатнинг муҳим шартларидан бири фасоҳатли, фасих бўлишдир.

Балоғат илми ўз ичига байон илми, маъони илми ва илму-л-бадиъни олади. Балоғат шундай қисмларга илк бора Саккокийнинг “Мифтаху-л-улум” асарида ажратилган.

Балоғат нутқ ва нотикда бўлади. Шунингдек, балоғат илмида ҳолат, тингловчининг билим доираси, дунёкараши ҳам эътиборга олинади.

<sup>27</sup> أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 188.

<sup>28</sup> حنفي باصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان – المنصورة، 2009. - ص. 23.

## 1.2. Балоғат илмининг ривожига хисса қўшган олимлар

**Балоғат** илми III (ҳижрий)/IX (милодий) асрдан бошлаб алоҳида илм сифатида шакллана бошлаган. Жоҳилият даври шеъриятида ҳам балоғат илмига ёрқин мисолларни кўриш мумкин. Ислом даврида эса энг балоғатли каломлар йиғиндиси Қуръони карим бўлган. Балоғат илми ўрганила бошлангандан кейин жуда кўп тилшунос олимлар уни ўрганишда ўз хиссаларини қўшдилар ва балоғатга оид асарлар ёздилар. Шундай тилшунос олимлар қаторида ватандошларимиз бўлган Замахшарий ва Саккокийнинг балоғат илмига, унинг ривожланишига қўшган хиссалари беқиёсдир.

### **Саккокий (555-627/1160-1229)**

Сирожу-д-дин Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Али Саккокий Хоразмий Ҳанафий 555/1160 йили Хоразмдаги бир қишлоқда таваллуд топган ва Хоразмийлар давлатининг тўртинчи султони Алп Арслон ибн Атаз салтанати даврида яшаган. Олимнинг туғилган жойини Нишопурдаги, баъзилар Ямандаги, яна бошқалар эса Ироқдаги Саккока қишлоғи дейишган. Лекин, энг тўғри далил у Хоразмлик бўлган. Жалолиддин ас-Суютий (849-1445/911-1505) ўзининг “Буғяту-л-вубот” асарида Саккокийни тангачалар ясайдиган темирчининг ўғли эканини зикр этган .

Олимнинг таржимаи ҳол келтирилган барча манбаларда “Саккокий” нисбаси зикр қилинган, лекин бу нисбанинг сабаби ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Баъзи манбаларда келтирилишича, алломанинг оиласи темирчилик билан, хусусан, ер ҳайдайдиган ооч яшаш билан шуғулланганлиги сабабли “Саккокий” нисбаси берилган. Бундан ташқари, шиша тангачаларга уриладиган нақшли темир яшаш билан шуғулланганлиги туфайли мазкур нисбани олган дейилган. Айрим манбаларга кўра, “Саккока” номли қишлоқда дунёга келганлари учун, ана шу қишлоққа нисбатан “Саккокий” нисбасини

олган, дейилган. Лекин унинг темирчилик билан шуғулланганлиги ва шу касбга нисбатан бундай нисбани олиши ҳақиқатга яқинроқдир.

Саккокий ҳақида биографик маълумотларни зикр қилган олимлар, унинг “Ибн Саккокий (темирчининг ўғли)” эканини айтиб ўтганлар. Жумладан, “روضات الجنات” (Жаннат боғлари) номли асарда у кишининг отаси ёки онасининг авлодида темирчилик билан шуғулланган шахс бўлган, шунинг учун “Саккокий” нисбаси берилганлиги зикр этилади .

Олимнинг ҳаёти ҳақида баъзи биографик олимлар куйидаги маълумотларни зикр қилади: Саккокий 30 ёшигача темирчилик билан шуғулланади, кейин эса ўзида илмга нисбатан кучли иштиёқ сезади ва барча ишларни ташлаб ҳаётини илмга бахшида этади.

Олим умрининг аксар қисмини Хоразм вилоятида ўтказади. У деярли барча илмларни ўша ерда олган, бошқа юртларга илм олиш учун чиқмаган, чунки ўша пайтларда Хоразм жуда катта илм марказларидан бири саналиб, фаннинг барча соҳаларида олимлар етарли даражада етишиб чиққан эди. Шу сабабли олим Хоразм мактаби билан кифояланади ва буюк аллома бўлиб етишади.

Олим яшаган даврда унга замондош кўплаб етук алломалар етишиб чиққан. Жумладан, "دلائل الإعجاز" (Далаилу-л-эъжоз)", "اسرار البلاغة" (Асрару-л-балаға)", ва "الجمال" (Ал-жумал)" номли асарлар муаллифи Абду-л-Қодир Журжоний (ваф.471/1078-79 й.), "دقائق الاسرار" (Дақайқу-л-асрор)" асари муаллифи Рашиду-д-дин Ватвот (ваф.573/1177-78 й.), "الكشاف" (“Ал-ал-Кашшоф”), "أساس البلاغة" (Асосу-л-балаға)" ва "الأنموذج في النحو" (“Ал-унмузаж фи-н-наҳв”) асарлари муаллифи Жоруллоҳ Замахшарий (ваф. 538/1143-44 й.), "التفسير الكبير" (Ат-тафсиру-л-кабир) ва "نهاية الإيجاز في دراية الإعجاز" (Ниҳаяту-л-ижоз фи дираяти-л-иъжоз)" номли асарлар муаллифи Фахру-д-дин Розий каби кўплаб алломалар яшаб ўтганлар. Саккокий ана шундай юксак манавият чўққисига чиққан олтин давр муҳиtida яшаб ижод этди.

Саккокий турли билимлар соҳиби бўлиб, жумладан, илми нужум, наҳв, сарф, шеър ва аруз ҳамда нотиклик илмларининг пухта эгаллаган эди. Дастлаб, Садид ибн Муҳаммад Ҳанотий ҳамда Маҳмуд бин Убайдуллоҳ ибн Саид Марвазийдан таълим олган. Илми каломни эса Мухтор бин Маҳмуд Зоҳидийдан ўрганган.

Олим шунингдек балоғат илми, илми тасхир, илми нужум, сеҳр ва тилсимлар илми, ер осмонга оид илмлар соҳиби эди. Ўша пайтда Чигатойхон ибн Чингизхон Мовароуннаҳр, Хоразм, Қошғар, Бадахшон, Балх ҳудудларининг ҳокими эди. Саккокийдаги бундай фазилатни кўргач, Хон уни ўзига дўст ва суҳбатдош қилиб олади.

Саккокий кўп асарлар ёзиб қолдирган, алломанинг бой илмий мероси билан танишган киши унинг нақадар юксак илм соҳиби эканлигини эътироф этади. Унинг “Мифтаҳу-л-улум”, “аш-Шамил”, “ар-Рисала ал-валадийя”, “Мусҳафу-з-заҳра” асарлари бор.<sup>29</sup> Аллома “Мифтаҳ ул-улум” асари билан илм аҳли орасида танилди. Бу асар ўзида илми адабга кирувчи сарф (морфология), наҳв (синтаксис), илму-л-маоний ва-л-баён(маънолар ва баён қилиш илмлари), ҳад(асос,далил), истидлол(дедукция), аруз, қофияга оид араб тилига тааллуқли кўп илмларни жамлаган. Шунингдек, асарда Қуръоннинг мўъжизакор эканлиги ҳақида ҳам сўз юритилади.

### **Замахшарий (467- 538/1075-1144)**

Маҳмуд Замахшарий ҳижрий 467 йил 27 ражаб, милодий 1075 йил 19 март куни Хоразмнинг қадимий Замахшар қишлоғида, унча бадавлат бўлмаган, лекин ўз даврининг саводхон оиласида туғилган. У ёшлигидан илм олишга ўта қизиққан ва дастлабки таълимни отаси Умар ибн Аҳмаддан олган. Ибн Халликоннинг “Вафайат ал-аъён”, Ёкут Ҳамавийнинг “Муъжам ул-удабо”,

---

<sup>29</sup> Носирова М.А. Тилшунослик билимлари тарихи (Араб тилшунослиги).-Т., “Семурғмедиа” МЧЖ нашриёти, 2011. – Б. 128.

Ибн Қифтийнинг “Инбоҳ ар-рувот”, Ибн Жавзийнинг “Мунтазам” каби қатор манбаларда олим ҳақидаги аниқ маълумотлар келтирилган.<sup>30</sup>

Ватандошимиз Маҳмуд Замахшарий тилшунослик, адабиётшунослик, луғатшунослик, тафсиршунослик, география, мантиқ каби соҳаларга оид кўплаб ноёб, дурдона асарлар яратган. Замахшарийнинг 65та асари мавжудлиги Муҳаммад Босил томонидан қайд эилган. Сўнгги илмий маълумотлар Замахшарийнинг 40 дан ортиқ асарларини қўлёзмалари топилганлигини кўрсатади, ўттизга яқин асарларининг номлари аниқланган, лекин манбалари ҳозирга қадар топилган эмас.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Муфассал”, “Муқаддамату-л-адаб”, “Асосу-л-балоғ”, “Ал-Кашшоф”, “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв”, “Ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис”, “Девону-з-Замахшарий”, “Мақомоту-з-Замахшарий” каби асарлари нафақат юртимизда, балки бутун дунёда машҳурдир.<sup>31</sup>

Абул Қосим Маҳмуд Замахшарий улкан меросининг катта қисмини араб тилининг грамматикасига оид асарлар ташкил қилади. Араб тилига, унинг беҳад катта имкониятларига тан берган аллома барча асарларини араб тилида ёзган. Бу тилни мукамал ўзлаштиришининг боиси катта иқтидор, тинимсиз меҳнат ва изланишлардир. Аллома юртдошимиз бу тилни ўзлари учун мукамал ўрганиб, гўзал асарлар ёзиб донг таратиш ниятини кўзламаган, албатта. Замахшарий тил соҳасидаги ўз билимларини ватандошларига, шу тилни ўрганиш истагида бўлган талабгорларга ўргатишга ошиққан. Шу сабабли ҳам унинг илмий меросининг катта қисмини араб тилининг морфология, синтаксис, фонетика ва луғатшунослик масалаларига бағишланган асарлар ташкил қилади. Бу асарлар алломанинг шунчаки

---

<sup>30</sup> Носирова М.А. Тилшунослик билимлари тарихи (Араб тилшунослиги).-Т., “Семурғмедиа” МЧЖ нашриёти, 2011. – Б. 134.

<sup>31</sup> Ўша манба. – Б. 136.

кораламалари эмас, балки асрлар оша илм аҳллариини ҳайратга солиб келаётган мукамал илмий асарлардир.

Замахшарийнинг шундай асарлар жумласидан бўлган “Ал-Кашшоф” асари Қуръони карим тафсирига бағишлангандир. Замахшарий ўзидан олдин ўтган тафсирчиларнинг илмий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, уларнинг тажрибаларидан танқидий ва унумли фойдаланган ҳолда ўз тафсириини ёздики, у дунё маданий меросининг ноёб дурдонасига айланди. Бу тафсирнинг бошқа тафсирлардан фарқи шундаки, олим ўз асарида Қуръоннинг филологик хусусиятига катта эътибор берган ва уни грамматик нуқтаи назардан ўрганган. Мазкур асарни шунингдек, балоғат илмига оид деб ҳам аташ мумкин, чунки унда Қуръон оятларида келган санъат турлари шарҳлаб, изоҳланган. Демак, биз “Ал-Кашшоф”ни ҳам тасрифга, ҳам грамматика ҳамда балоғат илмига оид деб айта оламиз. Бу тафсир ўз йўналишига кўра ягона ҳисобланади<sup>32</sup>.

Юсуф Саккокий ҳамда маҳмуд Замахшарий бобомиз балоғат илмини юксак чўққиларга олиб чиққан бўлсаларда, балоғат илми энди шакллана башлаётган пайтда унга асос солган олимлар ҳам мавжуд. Уларнинг асарлари ўзининг мукамаллиги билан ажралиб турмасада, кейинги издошлар, шогирдлар учун даструл амал вазифасини ўтаган. Улардан бир нечалари билан танишиб чиқамиз:

### **Ибн Ал-Муътазз (ҳижий 249-296/милодий863-908)**

Унинг тўлиқ исми Абу ал-Аббос Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз ибн ал-Мутаваккил бўлиб, у араб халифаларидан ал-Муътазз ибн Мутаваккилнинг ўғлидир. У Куфа тилшунослик мактабининг йирик намоёндалари бўлмиш ал-Мубаррад (ваф. 285/898) ва Абул Аббос Саълаб (ваф. 291/903)дан адабиёт ва тилшунослик бўйича таълим олган. Ибн ал-Муътазз ўзининг лирикаси билан

---

<sup>32</sup> Носирова М.А. Тилшунослик билимлари тарихи (Араб тилшунослиги).-Т., “Семурғмедиа” МЧЖ нашриёти, 2011. – Б. 141.

араб шеърятини ривожлантирган, адабиётга оид рисоалар ёзган. У ал-Муътазид халифалигига бағишлаб маснавий услубида асар ёзган. “Китабу-л-адаб” (“Хушфеъллик ҳақида китоб”), “Фусулу-т-тамасил табошири-с-сурур” (“Шодлик тонгини муқояса қилиш даражалари”) каби асарлари араб адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манда ҳисобланади. У 247/867 йили балоғат илмига оид “Китаб ал-бадиъ” (“Янги услуб ҳақида китоб”) асарини ёзган. Бу асар балоғат илмини ўрганувчиларга катта ёрдам берган, шунингдек, мазкур асар Яқин Шарқда шеърят ҳақидаги фанга асос бўлган<sup>33</sup>.

### **Қудама ибн Жаъфар (338-888)**

Қудама ибн Жаъфар балоғат илмига оид машҳур “Нақд уш-шиър” асарининг муаллифидир. Бу асарда балоғат илми 20 қисмга бўлиб ўрганилган. Асар Муътазиднинг “Китаб ал-бадиъ”сидан илҳомланган тарзда ёзилган.

Бундан ташқари Қудама ибн Жаъфар тилшунослик, адабиётшунослик, тарих ва герграфияга қизиққан ва уларга оид китоб ва рисоалар ёзган.

### **Абу Ҳилол ал-Аскарӣй (ваф. 395/1005)**

Ҳилол ал-Аскарӣй тилшунослик, адабиётшунослик соҳасига оид 20 дан ортиқ асар ва рисоалар муаллифидир. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунга қадар етиб келган. Унинг “Ас-синаъатайн” асари балоғат илмига оиддир. Асарда назм ва наср алоҳида ўрганилган. Мазкур асарида Абу Ҳилол ал-Аскарӣй Набиға аз-Зубён, Лабид, Шаммах, Фароздақ, Абу Таммом, Бухтурӣй, Мутанаббий ва бошқаларнинг ижодлари ҳақида сўз юритган.

Абу Ҳилол ал-Аскарӣйнинг, шунингдек, “Китабу-т-талҳис”, “Муъжаму-л-удабо”, “Дивану-л-маъани” асарлари ҳам эътиборга лойиқдир.

### **Абду-л-Қодир ал-Журжонӣй (400-471/1010-1078)**

---

<sup>33</sup> [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, “И” ҳарфи. - Б.3.

Араб тилининг шайхи, балоғат илмининг асосчиси, наҳв ва балоғат илмида машҳур бўлган, асли форс ўғлони бўлган, Абу Бакр кунyasi билан машҳур Абдулқодир Журжоний 400-хижрий йили Табаристоннинг яқинидаги Каспий денгизи атрофидаги Журжон шаҳрида дунёга келган. Унинг тўлиқ исми Абу Бакр Абду-л-Қодир Абдурахмон ал-Журжонийдир.

Журжоний балоғат илмининг “илму-л-маъоний” бўлимида биринчи бўлиб китоб таълиф этган. Асли бу кишидан авал балоғат илмида Жоҳиз ибн Дурайд ва Қудамма ибн Жаъфарлар асар ёзишган. Лекин бобларга қоидаларни кўйишмаган, бу ишни Журжоний ўз асарида охирига етказган.<sup>34</sup>

Журжоний Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Фарисийдан таълим олган. Унинг икки асари, яъни “Далаилу-л-ийжаз” ва “Асрару-л-балаға” асарлари балоғат илмига оиддир. Биринчи китобида муаллиф Қуръони каримнинг нақадар гўзал ва такрорланмас эканлигини, энг балоғатли асар бу – Қуръон эканлигини исботлашга интиланган. Иккинчи асар эса Журжоний балоғатга оид ташбиҳ ва тамсил санъатлари ҳақидадир. Журжоний балоғат илмини тизимлаштиришда катта ўрин тутган.<sup>35</sup>

Бундан ташқари Абу Усмон амр ибн Бахр ал-Жоҳиз (ваф. 869 й.)нинг “Ал-байан ва-т-табйин” асарлари, Абул Аббос Муҳаммад ибн Язид ал-Мубаррад (ваф. 898 й)нинг “Камил” асари, Хатиб ал-Казвиний (ваф. 1338 й.)нинг “Талхису-л-мифтаҳ” ва “Ал-ийдах фи улуми-л-балаға” асарлари балоғат илмига оиддир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, балоғат илми III (хижрий)/IX (милодий) асрдан бошлаб алоҳида илм сифатида шакллана бошлаган. Жоҳилият даври шеъриятида ҳам балоғат илмига ёрқин мисолларни кўриш мумкин. Ислом даврида эса энг балоғатли каломлар йиғиндиси Қуръони карим бўлган. Балоғат илми ўрганила бошлангандан кейин жуда кўп тилшунос олимлар уни

---

<sup>34</sup> Анвар Аҳмад. Авомил (Журжоний асарининг таржимаси). -Т., 2012. – Б.2-3.

<sup>35</sup> [www.arabic.uz](http://www.arabic.uz)

ўрганишда ўз хиссаларини қўшдилар ва балоғатга оид асарлар ёздилар. Шундай тилшунос олимлар қаторида ватандошларимиз бўлган Замахшарий ва Саккокийнинг балоғат илмига, унинг ривожланишига қўшган хиссалари беқиёсдир. Шунингдек, бошқа тилшунос ва адабиётшунос олимлар ҳам балоғат илмига оид асарлар ёзганларки, улар ҳам балоғатнинг ривожига катта ўрин тутган.

### 1.3. Балоғат илмининг таркибий қисмлари.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, балоғат илми уч қисмдан ташкил топган. Улар:

- Баён илми (علم البيان) – турли хил йўллар билан битта маънони ифодалаб бериш;
- Маъно илми (علم المعاني) – айтилган сўзнинг вазият, ҳолатга мос тушиши;
- Бадиъ илми (علم البديع) – гапни безаш, гўзал шаклга келтириш санъати.

**Баён илмида** маъно ўзгармаган ҳолатда, уни ифодаловчи сўзлар ўзгаради. Бундан мақсад тингловчига бир нарсани турли йўллар билан тушунтиришдир. Масалан, Аҳмаднинг жуда сахий эканлигини бир неча йўллар билан ифодалаш мумкин:

1) أحمد كريم

*Аҳмад сахийдир*

2) أحمد مثل حاتم

*Аҳмад Ҳотам<sup>36</sup> кабидир*

3) أحمد مُزَنٌ لأصدقائه

---

<sup>36</sup> Ҳотам (Ҳотами Той) – сахийликда донғи кетган инсон.

*Аҳмад ўз дўстлари учун ёмғирли булутдир*

4) أحمد عنده ضيوف دائما

*Аҳмаднинг ҳузурида ҳар доим меҳмонлар бор*<sup>37</sup>.

Демак, баён илмини пухта эгаллаган киши ўз фикрларини ифодалашда тил воситаларининг барчасини моҳирона қўллаш имкониятига эга бўлади. Бу орқали тингловчи сўзловчининг фикрларини янада чуқурроқ тушуниш имкониятини бериш билан бирга уни зериктириб қўймайди <sup>38</sup>.

Балоғат илмининг иккинчи бўлими бўлмиш **маъоний илми** баён илмига қараганда кейинроқ пайдо бўлган. Илму-л-маъоний илму-л-баёндан фарқли равишда бир сўз, сўз бирикмаси ёки жумла орқали бир неча хил маъно англатишни ўрганади. Масалан гап конструкциясининг ўрни ўзгариши орқали унинг маъноси ҳам ўзгаради. Мисол учун:

أنحن نذهب الي السينما - *Биз бугун кинога борамизми? (бизми ёки бошқаларми?)*

اليوم نذهب الي السينما - *Бугун борамизми кинога? (бугунми ёки бошқа куни?)*

أنذهب الي السينما - *Борамизми бугун кинога? (борамизми ёки йўқми?)*

الي السينما نذهب الي اليوم - *Кинога борамизми бугун? (киногами ёки бошқа ергами?)*<sup>39</sup>

Мантиқий урғу тушаётган сўзни сўроқ юкламасидан кейин қўйсак, жумла маъноси ўзгаради. Шунинг учун араб тилида гап бўлақларининг келиш ўрни жуда муҳим.

**Илму-л-бадиъ** балоғат илмининг учинчи қисмини ташкил этади. Бу қисмнинг номи "بدع" феълидан олинган бўлиб, у "илгари унга ўхшаши

<sup>37</sup>И. Н.Хайбуллин. Стилистика арабского языка. - М.: Наука, 1999. – С.55.

<sup>38</sup>Ўша манба. – Б.55.

<sup>39</sup>И. Н.Хайбуллин. Стилистика арабского языка. - М.: Наука, 1999. - С. 56.

бўлмаган бирор янги нарса яратиш” деган маънони билдиради. Илму-л-бадиънинг асослари Усмон ибн Бахр ал-Жохиз томонидан яратилган ва кейинчалик халифа Ибн Муътазз томонидан ривожлантирилган. Халифа Ибн Муътазз балоғат илми янги яратилган ёки ўйлаб топилган илм эмас, балки у Қуръони каримнинг ояти калималари, Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўзлари, жоҳилият даври шеъриясида мавжуд бўлганлигини таъкидлаган. Бадиъ илмига оид дастлабки асарлар араб тилида яратилган бўлиб, IX-X асрга оид Наср бин Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом”, Ибн Муътаззнинг “Китоб ул-бадиъ”, Қудамма ибн Жаъфарнинг “Нақд уш-шеър” асарлари шулар жумласидандир. Шунингдек, форс тилида яратилган Умар Родуёнийнинг “Таржимон ул-балоға”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойи ус-саноиъ” асарлари бадиъ илмининг ривожига катта ҳисса қўшган. Шунингдек, илму-л-бадиъга оид туркий тилдаги илк асар сифатида Шайх Аҳмад Худойдоднинг XV асрда яратилган “Фунун ул-балоға” рисоласи эътироф этилади.

Илму-л-бадиъ айтиладиган гапни вазиятга мувофиқ равишда безаш, гўзал шаклга келтириш, нутққа безак берувчи санъатлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, таснифланиши, нутқнинг эстетик функциясини ошириш, фикрни гўзал ва мазмунли ифодалаш каби масалаларни ўрганувчи илм. Бадиъ илмини гўзал сўзлаш, сўз санъати деб атасак ҳам бўлади. Сўз санъати кулоққа ёқимли, тинглаш манзур бўлган тил элементларини ўрганади. Албатта, бу элементлар мавжуд бўлмаганда ҳам сўзловчини тушуниш мумкин, лекин улар орқали нутқ янада гўзаллашиб, ўзгаради. Бу илм яна “бадий безовчи воситалар” (المحسنات البديعية) деб ҳам аталади. Илму-л-бадиъ баъзан лафз, баъзан маъно билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли улар “маънони безовчи воситалар” (المحسنات المعنوية) ва “нутқни безовчи воситалар” (المحسنات اللفظية) деб номланувчи 2 турга бўлинади.<sup>40</sup>

<sup>40</sup> أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 179.

Юқоридаги уч бўлим, қисм бирлашганда балоғат илми юзага келади. Демак, балоғатли сўзлаш учун уларнинг уччовини ҳам мукамал эгаллаш лозим, чунки тингловчиларнинг эътиборини ўзига қаратиш, уларни зериктириб қўймаган ҳолда уларнинг ҳар бирига тушунарли бўлган нутқни сўзлаш ҳар қандай нотиқнинг ҳам қўлидан келавермайди. Албатта, нотиқнинг фаросати, ақли, зукколиги ҳам катта роль ўйнайди.

Таъкидлаб ўтганимиздек, балоғат илми уч қисмдан ташкил топган. Улар:

- **Баён илми** (علم البيان) – турли хил йўллар билан битта маънони ифодалаб бериш;
- **Маъно илми** (علم المعاني) – айтилган сўзнинг вазият, ҳолатга мос тушиши;
- **Бадиъ илми** (علم البديع) – гапни безаш, гўзал шаклга келтириш санъати.

**Баён илмида** маъно ўзгармаган ҳолатда, уни ифодаловчи сўзлар ўзгаради. Бундан мақсад тингловчига бир нарсани турли йўллар билан тушунтиришдир.

Балоғат илмининг иккинчи бўлими бўлмиш **маъоний илми** баён илмига қараганда кейинроқ пайдо бўлган. Илму-л-маъоний илму-л-баёндан фарқли равишда бир сўз, сўз бирикмаси ёки жумла орқали бир неча хил маъно англатишни ўрганади.

**Илму-л-бадиъ** балоғат илмининг учинчи қисмини ташкил этади. Бу қисмнинг номи "بدع" феълидан олинган бўлиб, у “илгари унга ўхшаши бўлмаган бирор янги нарса яратиш” деган маънони билдиради.

## II БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИДА КИНОЯ.

### 2.1. Балоғат илмининг “Илму-л-баён” қисмида кинояга берилган таърифлар.

Баён илмига кирувчи киноя араб тилида кенг қўлланилади. “الكناية” (киноя) сўзи *كني* феълидан олинган бўлиб, “бирор белги орқали билдириш” маъносини англатади. Киноя мажознинг бир тури бўлиб, сўз ёки бирикмани асл маъносидан бошқа тескари маънода қўллаш демакдир.

Саккокий ўзининг “Мифтаху-л-улум” асаида кинояга шундай таъриф берган:

الكناية هي ترك التصريح بذكر الشيء على ما ذكر ما يلزمه لينتقل من المذكور على المتروك كما نقول فلان طويل النجاد لينتقل منه على ما هو ملزوم وهو طول القامة وكما نقول فلانة نثوم الضحى لينتقل منه على ما هو ملزومه وهو كونها مخدومة غير محتاجة على السعي بنفسها في إصلاح المهمات وذلك أن وقت الضحى وقت سعي نساء العرب في أمر المعاش وكفاية أسبابه وتحصيل ما يحتاج إليه في تهيئة المتناولات وتدبير إصلاحها فلا تنام فيه من نسائهم إلا من تكون لها خدم ينوبون عنها في السعي لذلك لما وسمي هذا النوع كناية لما فيه من إخفاء وجه التصريح ودلالة كني على ذلك لأن كني كيفما تركبت دارت مع تأدية معنى الخفاء من ذلك كني عن الشيء يكنى إذ لم يصرح به ومنه الكنى وهو أبو فلان وابن فلان وأم فلان وبنت فلان سميت كني لما فيها من إخفاء وجه التصريح بأسمائهم الأعلام ومن ذلك نكي في العدو ينكي إذا أوصل إليه مضار من حيث لا يشعر بها ومنه نكايات الزمان لجوائحها الملمة على بنية من حيث لا يشعرون ومن ذلك الكين للحممة المستبظة في فلهم المرأة لخفائها ومن ذلك مقلوب الكين قلب الكل لإخفاء الناس إياه واحترازهم أن يصرحوا بلفظه فضلا أن يرتكبوا معناه جهارا<sup>41</sup>

Киноя бир сўзни ифодалаш учун ўша сўзга маъно жиҳатдан боғлиқлиги бўлган бошқа сўзни қўллаш усулидир. Масалан, *طويل النجاد* – “қиличининг қини узун” бирикмаси ёрдамида “бўйи узун”, “баланд бўйли” маъносини назарда тутиш. Ушбу бирикма атрибутив бирикма, яъни изофий бирикмадир. Маълумки, изофа маънавий ва лафзий изофага бўлинади. Бу киноя лафзий изофа билан ифодаланган. Семантик жиҳатдан ушбу бирикмани ҳам ўз

أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 175. <sup>41</sup>

маъносида, ҳам киноявий маъносида тушуниш мумкин. *فلانة نؤوم الضحى* – “*фалона чошгоҳ вақти уйқучи*” бирикмаси ёрдамида уй юмушлари билан шуғулланмайдиган, хизматкорлари бўлган аёл назарда тугилади. Мазкур киноя эса предикатив бирикма ҳисобланади, яъни у жумла орқали ифодаланган. Араб тилида жумлалар исмий ва феълийга бўлинади. Юқоридаги жумла эса исмий жумла ҳисобланиб, *فلانة* (фалона) исмий жумланинг эгаси, *نؤوم الضحى* (чошгоҳ вақти уйқучи) эса исмий жумланинг кесимидир. Семантик жиҳатдан ушбу мисоллардаги сўз бирикмаларининг ўз ва кўчма маънолари ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича изоҳланади: қиличининг қини узун қиличининг, табиийки, қиличи ҳам узун бўлади. Узун қилични эса паст бўйли киши ишлатиши жуда қийин бўлгани учун одатда фақат баланд бўйли кишиларнинг қиличи узун бўлади. Иккинчи мисолдаги “чошгоҳ уйқучиси”нинг эса хизматини қиладиган хизматкори бор. Сабаби чошгоҳ вақти, одатда, араб аёлларининг уй юмушлари айна қизиган вақт бўлиб, бу пайти улар ухлашлари амри маҳол. Натижада ушбу ибора орқали хизматкорли хонимларни ифодалаш одат бўлган.

Асл маъно бошқа сўзлар воситасида “яширингани” сабабли мажознинг бу тури “*الكناية*” – белги билан ишора қилиш, деб номланган. “*الكناية*” сўзидаги “*ك ن ي*” ўзак ҳарфлари қай тартибда жойлашишидан қатъий назар “бекиниш”, “махфийлик” мазмунини ўз ичига олади. Мисол учун “*كُنَى عن الشيء*” жумласи “*الكنية*” – “*الم يصرح به*” (яъни, бир нарсани очиқламади) маъносини англатади. “*الكنية*” – “куня” сўзини ҳам мисол келтириш мумкин. Унга кўра кишиларнинг ўз исмлари “яширилиб”, ўрнига “*أبو فلان*”, “*أم فلان*”, “*ابن فلان*” шаклидаги кунялар ишлатилади. Яна бир феъл: “*نكى في العدو*” – *душманга кутмаган тарафидан зарба бериш*, душман ғафлатда қолади, чунки зарба режаси улар учун махфий эди. “*نكيات الزمان*” – *замон мусибатлари*, бу мусибат ҳам киши кутмаган замонда рўй бериши мумкин, шу сабабли ҳам унда махфийлик маъноси бор. “*النك*” сўзининг маъноси эса “зино” бўлиб, унга қўл урувчилар ўз қилмишларини оммадан яширадilar.

Киноянинг ўзига хос жиҳати шундаки, уни ўз маъносида ҳам тушуниш мумкин. Масалан,

زيد صدئت دراهمه

### *Зайднинг дирҳамлари занглаб кетди*

Юқоридаги мисолда Зайднинг хасис, бахил кишилигига киноя қилинмоқда, лекин ушбу гапни ўз маъносида ҳам тушуниш мумкин.<sup>42</sup>

Киноя ўхшатиш объектисиз ҳам намоён бўлиши мумкин. Баъзан кинояни ифодалаш учун оҳангни ўзгартириш кифоя қилади. Киноя тилнинг барча сатҳларида (товуш, интонация, сўз, жумла ва ҳ.к.) ифодаланиши мумкин. Киноя нафақат сўзни тескари маънода қўллаш, балки жумлани киноявий маъно ифодалайдиган тартибда тузиш ва шунга мос оҳанг ёрдамида ҳам юзага чиқарилиши мумкин.

Саккокий кинояга таъриф берганидан сўнг унинг мажоздан фарқи ҳақида шундай дейди:

إن الكناية تتفاوت على تعريض وتلويح ورمز وإيماء وإشارة ومساق الحديث يحسر لك اللثام عن ذلك، والفرق بين المجاز والكناية يظهر من وجهين أحدهما أن الكناية لا تنافي إرادة الحقيقة بلفظها فلا يتمنع في قولك فلان طويل النجاد أن تريد طول نجاده من غير ارتكاب تأويل مع إرادة طول قامته وفي قولك فلانة نؤومة الضحى أن تريد أنها تنام ضحى لا عن تأويل يرتكب في ذلك مع إرادة كونها مخدومة مرفهة والمجاز ينافي ذلك فلا يصح في نحو رعينا الغيث أن تريد معنى الغيث وفي نحو قولك في الحمام أسد أن تريد معنى الأسد من غير تأويل وأنى والمجاز ملزوم قرينة معاندة لإرادة الحقيقة كما عرفت وملزوم معاند الشيء معاند لذلك الشيء. والثاني أن مبنى الكناية على الانتقال من اللازم على الملزوم ومبنى المجاز على الانتقال من الملزوم على اللازم كما سنعود على هذا المعنى عند ترجيح الكناية على التصريح. وإذ قد سمعت أن الكناية ينتقل فيها من اللازم على الملزوم فاسمع<sup>43</sup>

Киноя таъриз (қочирим), талвех (сигнал), рамз, имо, ишора ва контекстда намоён бўлиши мумкин. Киноя ва мажоз 2 та жиҳатга кўра бири-биридан фарқ қилади:

<sup>42</sup> И. Н.Хайбуллин. Стилистика арабского языка. - М.: Наука, 1999. - С. 57.

<sup>43</sup> أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 176.

1. Кинояда кўчма маънодаги иборани ўз маъносида ишлатиш ҳам мумкин ва бу, мажоздагидан фарқли равишда, ҳақиқатдан йироқ бўлмайди. Масалан, "نؤوم الضحى" деб хизматкори бор хонимни эмас чинданам чошгоҳ вақти ухлайдиган хонимни назарда тутиш мумкин. Ёки "طويل النجاد" деб баланд бўйлини эмас қиличининг қини узун кишини назарда тутиш ҳам мумкин. Мажозий иборада эса бу мумкин эмас. Мисол учун чорванинг ёмғирдан унган нарсаларни ейиши кўзда тутилиб қўлланадиган "تأكل المواشي" – “чорвалар ёмғирни ейди” иборасини ўз маъносида айтиш нотўғри. Шунингдек, "نشر الملك عينونه" – “шоҳ кўзларини тарқатди” иборасидаги “кўз” сўзини фақатгина “жосус” маъносида англаш керак. Бу гапда “кўз” ўз маъносида келган бўлиши мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, киноядаги кўчма маънонинг “бағри кенг”, мажоздагининг эса “кўнгли тор” бўлиб, мажоздан бошқасини хоҳламайди;

2. Киноя сўз ёки иборанинг мазмунан ўз маъносидан чиқиб кўчма маънога ўтиши асосига қурилади. Мажозда эса аксинча, кўчма маъносидан ўз маъносига қўчиш асосига қурилади. Бу ҳақда қуйида тўхталиб ўтамиз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, баён илмига кирувчи киноя араб тилида кенг қўлланилади. “الكناية” (киноя) сўзи كني феълидан олинган бўлиб, “бирор белги орқали билдириш” маъносини англатади. Асл маъно бошқа сўзлар воситасида “яширингани” сабабли мажознинг бу тури "الكناية" – белги билан ишора қилиш, деб номланган. “الكناية” сўзидаги "ك ن ي" ўзак ҳарфлари қай тартибда жойлашишидан қатъий назар “бекиниш”, “махфийлик” мазмунини ўз ичига олади.

Киноя мажозга ўхшасада уларнинг орасида фарқ мавжуддир, яъни:

- а) кинояда кўчма маънодаги иборани ўз маъносида ишлатиш ҳам мумкин ва бу, мажоздагидан фарқли равишда, ҳақиқатдан йироқ бўлмайди;
- б) киноя сўз ёки иборанинг мазмунан ўз маъносидан чиқиб кўчма маънога ўтиши асосига қурилади. Мажозда эса аксинча, кўчма маъносидан ўз маъносига қўчиш асосига қурилади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, кинояда маъно кўчиш асл маънодан мажозий маъно томон ҳаракатланади.

## 2.2. Киноянинг турлари.

Саккокий киноянинг неча турга бўлиниши ҳақида шундай дейди:

أن المطلوب بالكناية لا يخرج عن أقسام ثلاثة: أحدها طلب نفس الموصوف. وثانيها طلب نفس الصفة. وثالثها تخصيص الصفة بالموصوف والمراد بالوصف هاهنا كالجود في الجواد والكرم في الكريم والشجاعة في الشجاع وما جرى مجراها<sup>44</sup>.

Балоғат илмида киноянинг 3 тури мавжуд:

1. Сифатланмиш ҳақида киноя қилиш (сифат, хусусиятни ифодалаш учун айтиладиган киноя – "الكناية عن الصفة").
2. Сифатловчи ҳақида киноя қилиш (Сифат, хусусиятга эга инсонни таърифлаш учун айтиладиган киноя – "الكناية عن الموصوف").
3. Сифатни сифатланмишга хослаш (сифат, хусусиятга эга инсон билан ўша сифат ёки хусусият орсидаги боғлиқликни ифодалаш учун айтилаётган киноя – "الكناية عن النسبة"); (бу ердаги сифатдан мурод “сахий”даги саховат, “шижоатли”даги шижоат сўзидир.)

Энди бу қисмларга батафсил тўхталиб ўтамиз:

القسم الأول: في الكناية المطلوب بها نفس الموصوف الكناية في هذا القسم تقرب تارة وتبعد أخرى فالقرينة هي أن يتفق في صفة من الصفات اختصاص بموصوف معين عارض فتذكرها متوصلا بها على ذلك الموصوف مثل أن تقول جاء المضيف وتريد لعارض اختصاص للمضيف بزيد والبعيدة هي أن تتكلف اختصاصها بأن تضم على لازم آخر وآخر فتلق مجموعا وصفيا مانعا عن دخول كل ما عدا مقصودك فيه مثل أن تقول في الكناية عن الإنسان حي مستوي القامة عريض الأظفار<sup>45</sup>

<sup>44</sup> أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 178.

<sup>45</sup> ўша манба. - Б. 179.

1. Сифатланмишнинг ўзи назарда тутилган кинояда киноя билан айтилган гап бўлаги гоҳида яқин бўлиши, гоҳида узоқ бўлиши мумкин:

А) **Яқин бўлиши** бу бирор сифатни шу сифатга эга бўлганларнинг биттасига нисбатан қўллаш бўлиб, бунга " جاء المضيف " – *меҳмондўст келди* мисолини келтириш мумкин. Меҳмондўстлик сифатига лойиқлар кўп. Бу ерда эса ушбу сифат билан айнан Зайд назарда тутилган.

Б) **Узоқ бўлиши** эса ўз ва кўчма маънолар орасини бир неча восита ёрдамида боғлаш бўлиб, натижада ҳосил бўлган киноя фақат ўша – васф қилинган сўзга хос бўлади. Бундай кинояга “даъвогарлар” бўлмайди. Масалан, инсон ҳақида айтилган киноялар: *حيّ, مستوي القامة, عريض الاظفار*. Бу киноялар фақат “инсон” маъносида қўлланади, бошқа махлуқот назарда тутилмайди.

Киноянинг биринчи турига Замахшарий ўзининг “Ал-Кашшоф” асарида келтирган мисолни келтирамиз:

﴿و لا تجعل يدك مغلولة الي عنقك و لا تبسطها كل البسط فتعقد ملوما محسورا﴾<sup>46</sup>

*Қўлингни бўйнингга боглаб олма. Уни бир йўла ёзиб ҳам юборма. Яна маломат ва ҳасратда ўтириб қолмагин.*

Ушбу оятда иккита киноя мавжуд. Биринчиси: *و لا تجعل يدك مغلولة الي عنقك*, яъни оятнинг бу қисмида бахиллик, хасислик сифати назарда тутилмоқда. Чунки қўли бўйнига боғланган одам қўлини пулларига чўзмайди. Иккинчиси: *و لا تبسطها كل البسط*, яъни бу қисмда исрофга далил қилинмоқда. Чунки жуда ҳам сахий, ҳаддан ташқари қўли очик инсоннинг пули қолмайди. Оятнинг ҳар икки қисмидаги киноя буйруқ майлидаги феъл билан ифодаланмоқда. Бу буйруқ инкордир.

---

<sup>46</sup> Қуръони карим: Исро сураси, 29-оят

الكشاف عن حقائق التنزيل وعبون الأقاويل في وجوه التأويل. أبي القاسم جار الله محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمي.  
الجزء الأول. مكتبة



وما يك في من عيب فإني ... جبان الكلب مهزول الفصيل

فإن جبن الكلب عن الهرير في وجه من يدنو من دار من هو بمرصد لأن يغشى دونها مع كون الهرير له والنباح في وجه من لا يعرف أمراً طبيعياً له مركزاً في جبلته مشعر باستمرار تأديب له لامتناع تغير الطبيعة وتفاوت الجبله بموجب لا يقوى واستمرار تأديبه أن لا ينبح مشعر باستمرار موجب نباحه وهو اتصال مشاهدته وجوها إثر وجوه واتصال مشاهدته لتلك مشعر بكون ساحته مقصد أدان وأقاص وكونه كذلك مشعر بكمال شهرة صاحب الساحة بحسن قرى الأضياف فانظر لزوم جبن الكلب للمضيافية كيف تجده بوساطة عدة لوازم، وكذلك هزال الفصيل يلزم فقد الأم وفقدتها مع كمال عناية العرب بالنوق لا سيما بالمثلثات منها لقوام أكثر مجاري أمورهم بالإبل يلزم كمال قوة الداعي على نحرها وإذ لا داعي على نحر المثليات أقوى من صرفها على الطباخ ومن صرف الطباخ على قرى الأضياف فهزال الفصيل كما ترى: يلزم المضيافية بعدة وسائل، ومن هذا النوع أيضاً قول نصيب

لعبد العزيز على قومه ... وغيرهم ممن ظاهره

فبابك أسهل أبوابهم ... ودارك مأهولة عامره

وكلك أنس بالزائري " " ن من الأم بالابنة الدائرة

فإنه حين أراد أن يكنى عن وفور إحسان عبد العزيز على الخاص والعام واتصال أيديه لدى القريب والبعيد جعل كلبه أنسا بالزائرين ذلك الأئس فدل بمعنى أنسه ذلك بالزائرين على أنهم عنده معارف فالكلب لا يأنس إلا بمن يعرف ودل بمعنى كونهم معارف عنده على اتصال مشاهدته إياهم ليلاً ونهاراً ودل بمعنى ذلك على لزومهم سدة عبد العزيز ودل بمعنى لزومهم سدته على تسني مباغيهم هنالك تسنيا بالاتصال لا ينقطع، ثم دل بمعنى ذلك على ما أراد فانظر كيف لوح مع بعد المسافة بين أنس الكلب بالزائرين وبين: إحسان عبد العزيز الوافر، ونظير قول نصيب مع زيادة لطف قول الآخر

تراه إذا ما أبصر الضيف مقبلاً ... يكلمه من حبه وهو أعجم

ومنه قول ابن هرمة

لا أمتع العوذ بالفصال ... ولا أبتاع إلا قريبة الأجل

دل بقوله لا أمتع العوذ بالفصال على أنه لا يبقى لها فصالتها فتنتفع بها من جهة استئناسها بها وحصول الفرح الطبيعي لها في مشاهدتها إياها وما تستملح من حركاتها لديها ويحتمل أن يريد لا أبقى العوذ بسبب فصالتها نظراً لها فتسلم عن النحر فتنتفع بالفصال من هذه الجهة ودل بمعنى أنه لا يبقها على أنه

ينحرها ودل بمعنى نحرها على أنه يصرفها على قرى الضيفان، وكذا دل بقوله قريبة الأجل على أنها لا تلبث عنده حية ودل بذلك على أنه ينحرها، ثم دل بنحرها على معنى أضيف.<sup>48</sup>

2. Сифат назарда тугилган киноя. Бунда ҳам киноя гоҳ яқин гоҳ узоқ бўлади:

А) Бундаги яқинлик кўзланган маънога энг яқин йўл орқали боғланишдир. فلان طويل النجاد ёки فلان طويل نجادة. ибораси ёрдамида баланд бўйли экани кўзда тугилиши, فلان كثير الأضياف ёки فلان كثير أضيافه, ибораси ёрдамида “меҳмони кўп” дейиш бунга мисол бўла олади.

Билингки, فلان طويل النجاد ҳамда فلان طويل نجاه, дейиш ўртасида фарқ бор. Биринчиси содда киноя, иккинчиси эса ошкора баёнга эга. Буни билиш учун муаннас сўзни оламиз. Масалан, فلانة حسنة الوجه ва فلانة حسن وجهها. Биринчи мисолда حسن сўзи га сифат. Шунинг учун у музаққар жинсда турибти. Иккинчи мисолда эса у فلانة ни аниқлаб келяпти, шу боис у муаннас жинсда.

Умуман олганда, киноянинг бу тури ёрдамида асл маъно ва кўчма маъно орасини бирлаштирувчи восита яқин бўлса-да, гоҳ тушуниш осон бўлган, гоҳида қийин бўлган иборага дуч келамиз. Масалан, عريض القفا – *гардани кенг*. Ушбу иборадан “овсар” (телбасифат) маъноси тушунилади, عريض القفا (ёстиғи кенг) ибораси эса عريض القفا иборасини ифодаловчи киноядир.

Воситаси узоқ бўлган иборага мисол қилиб "كثير الرماد" (*кули кўп*) ни келтириш мумкин. Кули кўпдан чўғи кўп, ундан эса қозон остига оловнинг кўп ёқиши, бундан кўп овқат пиширилиши, кўп ейиш ва ниҳоят меҳмон кўплиги келиб чиқади. Демак, кули кўп кишининг меҳмони кўплиги англашилади. Кўриниб турибдики, айтилган ибора ва кўзланган мазмун ораси узун занжирли воситадан иборат. “Меҳмондўст” мазмунидаги яна икки иборани кўриб чиқамиз: "جان الكلب" – “*ити қўрқоқ*”, бунга сабаб эгаси итни кўп урган. Нега? Чунки у кўп вовиллайверади, сабаби уйга меҳмон кўп

<sup>48</sup> أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 180.

келади. Натижада эгаси унга одоб беришга, итнинг табиатан ўрганган ҳуришидан ман қилишга ҳаракат қилади. Шу боис ит эгасидан кўрқиб қолади. Кейингиси "هزيل الفصيل" – (эмизикдан ажратилган) бўталогги озгин. Арабларда туя катта бойлик, шунга қарамай меҳмондўст инсон меҳмон зиёфати учун етилган туяларини сўйиб, тортиқ қилган. Натижада она туянинг эмизикли боласи сутга тўймай, озгин бўлиб қолган. Ушбу – меҳмондўстлик ҳақидаги киноя бир байтда келган:

وما يك فيّ من عيبٍ فإني      جبان الكلبِ هزيل الفصيل

*Биргина айбим бу – кўрқоқ итим ва ориқ бўталогим.*

Яна бир мисол сифатида Насибнинг сўзини келтирамыз:

وغيرهم ممن ظاهرة	لعبد العزيز على قومه
ودارك ماهولة عامرة	فبابك أسهل ابوابهم
ن من الأم بالابنة الدائرة	وكلبك أنس بالزائري

*Қавми-ю бегона олдида маълумдир*

*Абдулазизнинг уларга хизматлари.*

*Эшигинг уларнинг эшиклари*

*орасида очилиши энг осони,*

*ҳовлинг ҳам обод ва файзли!*

*Итинг зиёратчилар билан ошно,*

*худди она қизи атрофида парвона.*

Бу шеърдан Абдулазизнинг ҳаммага бирдек очиққўл экани, ҳеч кимдан ёрдамини аямаслиги, ҳамма учун эшиги очиқлиги англашилади. Абдулазизнинг ити уни зиёрат қилувчилар билан ошно, бу эса ит уларни кўп

бора кўришидан келиб чиққан. Негаки, ит яхши танимаган кишиси билан дўст бўлмайди. Демак, улар Абдулазиз билан доимо яхши алоқада бўлганлари маълум бўлади.

Б) Сифатни сифатланмишга хослаш мақсад қилинган киноя. Бундай киноя турига мисол бўлувчи иборалар ҳам мулойимликда, ширинсуханликда бир-биридан фарқланади. Мисоллар:

Зиёд Аъжамнинг шеъри:

إن السّاحة والمروّة والندى      في قبة ضُربتْ على ابن الحشرِج

*Саховат, мурувват ва бағрикенглик*

*Ибн ул-Ҳашражнинг бошидаги гумбаздадир.*

Шоир агар саховат, мурувват ва бағрикенгликни очиқчасига Ибн Ҳашражга тегишли қилиб кўрсатишни хоҳлаганида, сифатни (саховат, мурувват ва бағрикенгликни) айнан сифатланмишга (Ибн Ҳашражга) аниқловчи тарзида келтирарди. Мисол учун, *السّاحة لابن الحشرِج والمروّة له و الندى*, ёки изофа кўринишида, масалан: *سّاحة ابن الحشرِج أو سّاحته*, ёки предикатив тарзда, масалан: *سمح ابن الحشرِج او حصل السّاحة*. Ана шунда гап содда ва тушунарли бўларди.

Киноянинг юқоридаги икки турида ҳам изофа ёки предикатив усулдан фойдаланилгани учун ундан кўзланган мақсадни топиш осон. Масалан, “баланд бўйли” сифати “қиличининг қини узун” ибораси билан ифодаланди, яъни изофа тарзида: *زيد طويل نجاهه* жумласидаги "ه" қайтувчи олмоши гапда музоф илайҳ бўлиб, Зайдга қайтади ва натижада киноядан мақсад тушунарли ҳисобланади. Агар киноя *زيد طويل النجاد* шаклида берилса, унда *طويل* сифатидаги "هو" яширинган олмоши Зайдга қайтади ва киноядаги “баланд бўйли”дан мақсад Зайдни таърифлаш экани англашилади.

"كلبه أنس بالزوار" иборасидан кўзланган “очиққўллик” Абдулазизга хослиги ҳам тушунарли. Негаки, шеър Абдулазизга хитобан айтилган ва "كلبه" даги "ه" қайтувчи олмоши айнан унга қайтади.

Киноянинг иккинчи турига, яъни сифат, хусусиятга эга инсонни таърифлаш учун айтиладиган кинояга мисоллар:

الضاربين بكل ابيض مخزم و الطاعنين مجامع الاضغان

*Қиличлари билан урурлар, нафрат тўлган жойга санчарлар...*

Шоир ушбу байтда қиличбозлик санъатини маҳорат билан эгаллаган ва сўзлар орқали юракларни жунбушга келтира оладиган инсонларни мадҳ этмоқда. Муаллиф шоир сўзини тўғридан-тўғри айтмай, унинг ўрнига “нафрат тўлган жой” сўз бирикмасини келтирмоқда. Чунки, нафрат, хасад каби туйғулар юракда жамланади. Шеърдаги киноя шунда намоён бўладики, ушбу сўз бирикмаси билан инсонга далолат қилинмоқда.

Замахшарий ўз асарида келтирган мисол:

﴿﴾ وجعلناه علي ذات الواح و دسر ﴿﴾<sup>49</sup>

*Ва у (Нух)ни тахталари ва михлари бор нарса устига кўтардик.*

Бу ерда нарсанинг ўзи ҳақида васф қилиш усули билан киноя қилинмоқда. دسر ذات الواح و دسر. Мақсад тўфон пайтида Нух(а.с.) ва у билан бирга иймон келтирганларни кўтарган “кема”дир.

Набиғодан шеър:

كليني لهم اميمة ناصب و ليل اقااسيه بطى الكواكب

تطاول حتي قلت ليس بنقض و ليس الذي يرعي النجوم بايب

*Кўй мени, эй Умайма ботган ғамимга*

*Юлдузлар оҳисталигидан тун мени азоблайди*

---

<sup>49</sup> Куръони карим:Қамар сураси, 13-оят

”Тун узайиб хатто дедим:”Юлдузларни ҳайдайдиган қайтмайди”.

النجوم (юлдузларни ҳайдайдиган) дея субҳга киноя қилинган.

Чунки субҳ тун юлдузларини йўқликка ҳайдайди.

القسم الثالث: في الكناية المطلوب بها تخصيص الصفة بالموصوف هي أيضا تتفاوت في اللطف

:فتارة تكون لطيفة وأخرى أطف وأنا أورد عدة أمثلة منها قول زياد الأعجم وهو لطيف  
إن السماحة والمروءة والندى ... في قبة ضربت على ابن الحشرج

فإنه حين أراد أن لا يصرح بتخصيص السماحة والمروءة والندى بابن الحشرج فيقول السماحة لابن  
الحشرج والمروءة له والندى له فإن الطريق على تخصيص الصفة بالموصوف. لتصريح إما الإضافة أو  
معناها وإما الإسناد أو معناه فالإضافة كقولك سماحة ابن الحشرج أو سماحته مظهرا كان المضاف إليه أو  
مضمرا أو معناها كقولك السماحة لابن الحشرج أو السماحة له والإسناد كقولك سمح ابن الحشرج أو حصل  
السماحة ومعناه كقولك ابن الحشرج سمح بتقدير ضمير ابن الحشرج في سمح العائد إليه كما هو أعنى  
تخصيص الصفة بالموصوف مصرح به في جميع ما تقدم من الأمثلة أو ما ترى الوصف المكنى عنه وهو  
طول القامة بقولك طويل النجاد كيف تجده مضافا على ضمير موصوفه في قولك زيد طويل نجاهه وهو الهاء  
في نجاهه العائد على زيد المطلوب تخصيص طول القامة به أو مسندا على ضمير موصوفه في قولك طويل  
النجاد وهو الضمير في طويل العائد على الموصوف أو الوصف المكنى عنه وهو وفور الإحسان بأنس الكلب  
بالزوار كيف تجده مضافا على ضمير موصوفه وهو عبد العزيز المخاطب المطلوب تخصيص وفور  
الإحسان به أو الوصف المكنى عنه وهو المضيافية بلا إمتاع العوذ بالفصال وابتياح قريبة الأجل كيف تجده  
مسندا على ضمير موصوفه وهو ضمير الحكاية الراجع على ابن هرمة المطلوب تخصيص المضيافية به  
ماذا صنع جمع السماحة والمروءة والندى في قبة تنبئها بذلك أن محلها محل ذو قبة محاولا بذلك اختصاصها  
بابن الحشرج ثم لما رأى غرضه ما كان يتم بذلك لوجود ذوي قباب في الدنيا كثيرين جعل القبة مضروبة  
على ابن الحشرج حتى تم غرضه ومنها قولهم المجد بين ثوبيه والكرم بين برديه، وقد يظن هذا من قسم زيد  
طويل نجاهه وليس بذلك فطويل نجاهه بإسناد الطويل على النجاد تصريح بإثبات الطول للنجاد وطول النجاد  
كما تعرف قائم مقام طول القامة فإذا صرح من بعد بإثبات النجاد لزيد بالإضافة كان ذلك تصريحا بإثبات  
الطول لزيد فتأمل. ومنها قوله وهو أطف

والمجد يدعو أن يدوم لجيده ... عقد مساعي ابن العميد نظامه

انظر حين أراد أن يثبت المجد لابن العميد لا على سبيل التصريح ماذا صنع أثبت لابن العميد  
مساعي وجعلها نظام عقد وبين أن مناط ذلك العقد هو جيد المجد فنبه بذلك على اعتناء ابن العميد بتزيين  
المجد، ونبه بتزيينه إياه على اعتنائه بشأنه أعني بشأن المجد وعلى محبته له ونبه بذلك على أنه ماجد ولم

يقتعه ذلك حتى جعل المجد المعرف تعريف الجنس داعياً أن يدوم ذلك العقد لجيده فنبه بذلك على طلب حقيقة المجد ودوام بقاء ابن العميد ونبه بذلك على أن تزيينه والاعتناء بشأته مقصوران على ابن العميد حتى أحكم بتخصيص المجد بابن العميد وأكده أبلغ تأكيد. وحاصله أن الشاعر جعل المجد متزييناً في المال بابن العميد وجعل تزيينه به تخصيصاً له به على نحو ما يقال تزينت الوزارة بفلان إذا حصلت له. ومنها قول الشنفرى الأزدي وصف امرأة بالعفة:

يبيت بمنجاة عن اللوم بيتها ... إذا ما بيوت بالملامة حلت

فإنه حين أراد أن يبين عفافها وبراعة ساحتها عن التهمة وكمال نجاتها عن أن تلام بنوع من الفجور على سبيل الكناية قصد على نفس النجوة عن اللوم، ثم لما رآها غير مختصة بتلك العفيفة لوجود عفاف من الدنيا كثيرة نسبها على بيت يحيط بها تخصيصاً للنجاة عن اللوم بها فقال: يبيت بمنجاة عن اللوم بيتها ولم يقل يظل قصداً على زمان له مزيد اختصاص بالفواش وهو الليل وقول ابن هانئ

فما جاز جود ولا حل دونه ... ولكن يصير الجود حيث يصير<sup>50</sup>

3. Киноянинг бу тури бир оз бошқача. Шоир сифатни тўғридан-тўғри ўзи таъриф бераётган кишига қаратмайди, балки бошқа бир сўзни ёрдамга чақиради. У саховат, мурувват ва бағрикенгликни гумбазга хос, дейди ва кейин бу гумбазни Ибн Ҳашражнинг – таъриф берилаётган шахснинг бошига қўндиради.

Яна бир мисол: “المجدُ بين ثوبيه والكرم بين بُرديه” (улуглик унинг либоси орасида, саховат унинг тўни орасида). Бу ерда улугликка нисбат бериляпти, карамлик эса мана шу улугликка тегишлидир. Киши бу кинояни ҳам زيدٌ طويلٌ طویل نجاهه услубида деб ўйлаши мумкин. Аслида эса бундай эмас. Негаки, طویل نجاهه даги طويل кесим бўлиб келган. Бундан узунлик қинга хос экани келиб чиқади. қиннинг узунлигидан эса бўйнинг узунлиги тушунилади. Қиннинг Зайдники экани айтилгандан сўнг унинг баланд бўйли экани маълум бўлади.

Киноянинг ушбу – учинчи турига бошқа бир мисол:

والمجدُ يدعو أن يدوم لجيده      عقد مساعي ابن العميد نظامه

أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 182.<sup>50</sup>

*Ибн ул-Амиднинг саъй-ҳаракатлари тизилган мунчоғин,  
улуғлик дуо қилур – ўз бўйнида ул низомнинг бардавом бўлмоғин.*

Шоир улуғликнинг Ибн ул-Амидга хослигини тўғридан-тўғри ифодаламаган, балки улуғликнинг бўйнида бир мунчоқ борлиги, ўша мунчоқ Ибн ул-Амиднинг хайрли ишларидан тизиб чиқилгани ҳақида маълумот берган. Сўнг улуғлик ўз бўйнидан бу мунчоқ тушмаслигини сўраб дуо қилади, дея таърифлаган.

Шанфара Аздий бир аёлни васф қилиб, айтади:

بييت بمنجاة عن اللوم بييتها      إذا ما بيوت بالملامة حلت

*Ўзга уйлар маломатга манзил бўлганда*

*Маломатдан унинг уйи холи тунайди.*

Шоир аёлни турли тухматдан холи, ифбатли деб эътироф этишни ирода қилди. Бунинг учун у маломатдан пок дея унга таъриф берди. Кейин уйни ўша аёлга тегишли экани ҳақида хабар берди. Шунингдек, у "يظل" (кунни ўтказади) эмас, "بييت" (тунайди), деди. Негаки, туннинг маломатдан холи бўлиши аёлнинг шаъни учун кундузидан кўра муҳимроқлиги сир эмас.

Киноянинг учинчи турида инсоннинг бирор-бир хусусият, сифатга эга эканлиги, лекин у сифат очик-ойдин намоён бўлмаслиги билдирилади. Абу Нуввос айтади:

فما جازه جود و لا حل دونه      و لكل يسير الجود حيث يسير

*Саховат ундан ўтмагай ва на ортда қолмайдир,*

*У қайда юрса саховат унинг билан юргайдир.*

Бу ерда сахийлик сифати мақталаётган кишига тўғридан-тўғри нисбат берилмаяпти, балки унга боғлиқ битта нарсага нисбат берилаяпти, у ҳам бўлса ўша киши сайр қиладиган жойдир. У қаерда бўлса ҳам ўша жойда юради. Мана шу шеър нисбатли кинояга мисол бўлади.

Билингки, киноянинг иккинчи ва учинчи турида киноя гоҳида зикр этилган аниқланмиш томон йўналтирилган бўлиб келади. Масалан, *فلان يصلي* – *фалончи намоз ўқийди ва закот беради*, дейиш билан унинг мусулмон эканига ишора қилиниши, *فلان يلبس الغيار* – “*фалончи гиёр (бош кийими) кияди*” деб унинг яҳудийлигини назарда тутиш каби.

Баъзан эса зикр қилинмаган мақсад томон йўналтирилган бўлади, масалан: “ *المؤمن هو الذي يصلي ويؤتي ولا يؤذي أخاه المسلم* ” – *мўмин киши бу намоз ўқиб, закот берадиган ва мусулмон биродарига озор бермайдиган кишидир*, деб мўминларга озор берадиган киши ҳақида гапириш ва озор берувчи одамдан ҳақиқий мўминлик сифатини инкор қилиш.

Аллоҳ таолонинг мунофиқларга қарата “ *هُدَىٰ لِلْمُتَّقِينَ الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ* ” – “*гайбга иймон келтирадиган тақводорлар учун ҳидоят...*” (Бақара, 2-3 оятлар) ояти ҳам бунга мисол.

Қачонки, киноя *عرضية* (келиб-кетиб турадиган сифатга эга) бўлса, унга нисбатан “**таъриз**” (қочирим) номи муносиб, акс ҳолда эса вазиятга қаралади: агар ўз ва кўчма маъно орасидаги восита узоқ масофадан иборат бўлса, (худди “кули кўп” – “меҳмондўст” каби) унга “**талвех**” (ишора) номи муносиб. Чунки, талвех бу узоқдан ишора қилишдир. Агар масофа яқин бўлиб, махфийликка эга бўлса, масалан: *عريض الوسادة عريض القفا* каби, у ҳолда “**рамз**” номи муносиб бўлади. Чунки рамз бу яқин масофадан туриб махфий ишора қилишдир. Шоир айтади:

رمزت إلي مخافة من بعلمها      من غيرها أن تبدي هناك كلامها

*Еридану ўзгадан қўрқиб у ерда*

*гапин айтолмасдан рамз берди менга.*

Агар яқин ва махфий бўлмаган ҳолда бўлса, унда имо ва ишора номи муносиб бўлади. Масалан, Абу Таммом айтади:

أبين فما يزرن سوى كريم      وحسبك أن يزرن أبا سعيد

*Аёллар ихтиёр қилса ўзганимас, сахийни фақат.*

*Кифоя қилур Абу Саидни қилмоқлари зиёрат.*

Бу шеърда Абу Саиднинг саховати махфий эмаслиги баён қилинган.

Бухтурий айтади:

أوما رأيت المجد ألقى رحله      في آل طلحة ثم لم يتحول

*Кўрмадингми, улуглик ўз юкларин*

*Талҳа оиласига қўйиб, кўчмади кейин.*

Бу ҳам очик ифода бўлиб, Талҳа оиласининг олийжаноблиги айтилган.

Бошқа бир мисол:

إذا الله لم يسق إلا الكرام      فسقى وجوه بني حنبل

وسقى ديارهم باكرا      من الغيث في الزمن الممجل

*Агар Аллоҳ фақат сахийларни сугорса,*

*Бану Ханбалнинг юзларин сугорган бўларди.*

*Уларнинг ҳовлиларин қургоччиликда ҳам ҳатто*

*вақтли, ёмғирдан сугориб қўйган бўларди.*

Ушбу мисолларда кинояли бўлақларнинг ўз маъноси ва кўчма маъноси орасидаги масофа яқин ва шу билан бирга махфий ҳам эмас.

Билингки, таъриз гоҳ киноя, гоҳ мажоз тарзида бўлиши мумкин. Агар *أذيتني فستعرف* – “менга озор бердинг, энди биласан (нима бўлишини)” десанг ва ҳолатга қарамасдан қасддан бошқа инсонга мурожаат қилишни ирода қилган бўлсанг, унда биринчи туркумга мансуб (яъни киноя) бўлади, акс ҳолда, яъни мурожаат қаратилган шахснинг ўзини ирода қилган бўлсанг, унда бу мажоз ҳисобланади. Мана шу қабилда қиёсланади.

Демак, балоғат илмида киноянинг 3 тури мавжуд:

1. Сифатланмиш ҳақида киноя қилиш (сифат, хусусиятни ифодалаш учун айтиладиган киноя – "الكناية عن الصفة" - " جاء المضياف " – *меҳмондўст келди*).
2. Сифатловчи ҳақида киноя қилиш (Сифат, хусусиятга эга инсонни таърифлаш учун айтиладиган киноя – "الكناية عن الموصوف" - عريض القفا – *гардани кенг*, яъни овсар телбасифат маъносида).
3. Сифатни сифатланмишга хослаш (сифат, хусусиятга эга инсон билан ўша сифат ёки хусусият орасидаги боғлиқликни ифодалаш учун айтилаётган киноя – "الكناية عن النسبة"); (бу ердаги сифатдан мурод “сахий” даги саховат, “шижоатли” даги шижоат сўзидир) - “المجدُّ بين ثوبيه” - “والكرم بين بُرْدِيه” (*улуглик унинг либоси орасида, саховат унинг тўни орасида*).

Шунингдек, кинояниг таъризи, талвеҳ ва рамз каби турлари ҳам бор.

### III БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИДА ИСТИОРА ВА УНИНГ ТИЛШУНОСЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН ТАҲЛИЛИ

#### 3.1. Истиора ҳақида умумий тушунча

Истиорага “Ал-баён” китобида шундай таъриф берилган:

فالتعبير بالاستعارة أن تنقل اللفظ من معناه الأصلي، وتستعمله ليدلّ علي معنى آخر بينه وبين  
المعنى الأول مشابهة.<sup>51</sup>

*Истиора бу сўзнинг ўз асл маъносидан бошқа маънога кўчиб, сўзнинг  
асл маъносига ўхшаш бўлган маънони ифодалашдир.*

الاستعارة لفظ استعمال في المعنى الذي وُضع له، لعلامة المشابهة بين المعنيين، مع وجود  
قرينة تمنع من أن يكون المراد هو المعنى الأصلي.<sup>52</sup>

*Истиора бу сўзни у ўзининг асл маъносидан келмаётганига ёрқин далил  
мавжуд бўлган ҳолатда ушбу сўзни ўзга маънода, яъни у англатаётган  
маъно ва сўзнинг аслий маъноси ўртасида алоқаси мавжудлигини англатиб  
қўллашдир.*

Истиора ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш учун аввал ташбеҳ ҳақида  
қисқача маълумот бериб ўтамиз.

Ташбеҳ сўзи луғатда ўхшатиш маъносини англатади. У бир нарсани у  
билан муштарак сифатга эга бўлган бошқа нарсага ўхшатишдир. Бунда  
ўхшатилаётган сўз “мушаббах”, қиёсланаётган сўз “мушаббах бихи”  
дейилса, ўхшатиш обектини “важҳу шибҳ” дейилади. Шунингдек, ташбеҳда  
⤵ ва бошқа юкламалар ўхшатиш учун восита ҳисобланади. Айрим  
адабиётларда бу “воситаи ташбеҳ” деб аталади<sup>53</sup>. Масалан:

العلم كالنور في الهداية *Илм ҳидоятда нурдекдир*

<sup>51</sup> إبراهيم مصطفى. البيان. - مصر: دار المعارف، 1954. - ص.42.

<sup>52</sup> Ўша манба. – Б.43..

<sup>53</sup> Курбонов Д. Адабиётшунослик луғати. Т., 2010. – Б.43.

Ушбу мисолда العلم сўзи мушаббах, نور мушаббах биҳи, الهداية важҳу шибх (яъни ҳидоят – тўғри йўлда нурга ўхшатилган), كَ эса ташбех юкламасидир.

أن الاستعارة أقوى من التصريح بالتشبيه أمران: أحدهما أن في التصريح بالتشبيه اعترافاً بكون المشبه به أكمل من المشبه في وجه الشبه على ما قررت في باب التشبيه. والثاني في ترك التصريح بالتشبيه على الاستعارة التي هي مجاز مخصوص الفائدة التي سمعت في المجاز أنفاً من دعوى الشيء ببينه، والسبب في أن الكناية عن الشيء أوقع من الإفصاح بذكره نظير ما تقدم في المجاز بل عينه، يبين ذلك أن مبنى الكناية كما عرفت على الانتقال من اللازم على ملزوم معين ومعلوم عندك أن الانتقال من اللازم على ملزوم معين يعتمد مساواته إياه لكنهما عند التساوي يكونان متلازمين فيصير الانتقال من اللازم إلى الملزوم إذ ذاك بمنزلة الانتقال من الملزوم على اللازم فيصير حال الكناية كحال المجاز في كون الشيء معها مدعى ببينة ومع إفصاح بالذكر مدعى لا ببينه، وبهذا الطريق ينخرط نحو أمطرت السماء نباتاً في سلك نحو رعيها الغيث فافهم، هذا ما أمكن من تقرير كلام السلف رحمهم الله في هذين الأصلين، ومن ترتيب الأنواع فيهما وتذييلها بما كان يليق بها وتطبيق البعض منها بالبعض وتوفية كل من ذلك حقه على موجب مقتضى الصناعة وسيحمد ما أوردت ذوو البصائر، وإني أوصيهم إن أورثهم كلامي نوع استمالة وفاتهم ذلك في كلام السلف إذا تصفحوه أن لا يتخذوا ذلك مغمزا للسلف أو فضلاً لي عليهم فغير مستبدع في أيما نوع فرد أن ينزل عن أصحابه ما هو أشبه بذلك النوع في بعض الأصول أو الفروع أو التطبيق للبعض بالبعض متى كانوا المخترعين له وإنما يستبدع ذلك ممن زجى عمره راتعا في مائدتهم تلك، ثم لم يقو أن يتنبه وعلماء هذا الفن وقليل ما هم كانوا في اختراعه واستخراج أصوله وتمهيد قواعدها وأحكام أبوابها وفصولها والنظر في تفاريعها واستقراء أمثلتها اللائقة بها وتلقطها من حيث يجب نلقطها وأتعاب خاطر في التفتيش والتنقيب عن ملاقطها وكد النفس والروح في ركوب المسالك المتوعرة على الظفر بها مع تشعب هذا النوع على شعب بعضها أدق من البعض وتفننها أفانين بعضها أغمض من بعض كما عسى أن يقرع سمعك طرف من ذلك فعلاً ما وفّت به القوة البشرية إذ ذاك، ثم وقع عند فتورها منهم ما هو لازم الفتور.<sup>54</sup>

Истиора ташбехнинг икки тарафи бўлмиш мушаббах ҳамда мушаббах биҳининг бирини зикр қилиб, иккинчисини назарда тутиш бўлиб, унда мушаббахнинг мушаббах биҳига ўхшашлиги даъво қилинади. Бунда мушаббах учун далил қилиб мушаббах биҳига хос нарса зикр қилинади. Масалан, "في الحمام أسد" – "ҳаммомда шер бор", яъни шижоатли киши бор. У шижоатда шерга ўхшайди. Натижада шижоатли кишига қарата мушаббах

<sup>54</sup> أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 190.

бихига (яъни шерга) хос хусусиятни нисбат берилмоқда. Бошқа мисол: إن " المنية أنشبت" – ўлим (тирноқларини) санчди". Бунда "المنية" – ўлим бўрига ўхшатиш. Чунки унинг бўрилиги хусусияти бор. Унинг бўридан бошқа бирор нарса бўлиши мумкинлиги ҳам инкор қилинади. Бунга исбот вазифасини “тирноқлар” сўзи бажаради. Мажознинг бундай тури **“истиора”** дейилади.

Демак, истиора бу бир сўз шаклини “омонатга олиб”, бошқа маънода ишлатишдир. Истиорада сўзни ўз маъносидан бошқа маънода ишлатиш ўхшашлик асосида амалга ошади. Замахшарий Қуръоннинг ушбу оятида истиора мавжудлигини таъкидлайди:

﴿الر \* كتاب أنزلناه إليك لتخرج الناس من الظلمات إلى النور﴾<sup>55</sup>

*Алиф. Лом. Ро. Бу Китобни сенга одамларни Роббиларининг изни ила зулматлардан нурга (азиз ва мақталган зотнинг йўлига) чиқаришинг учун нозил қилдик.*

Яъни залолатдан ҳидоятга. “Зулмат” ва “нур” сўзлари ўзларининг ҳақиқий маъноларида ишлатилмаган. Бу ерда залолат ва зулмат, ҳидоят ва нур сўзлари ўртасида ўхшашлик бор. Зулматдаги одам тўғри йўлни топа олмайди, у нурга муҳтож. Залолатдагилар эса ўзлари сезмасалар ҳам тўғри йўлдан – ҳидоятдан узоқдадирлар, зотан “залолат” нинг маъноси ҳам “адашиш” деганидир<sup>56</sup>.

Биз қачонки мушаббахни мушаббах бихининг ҳақиқатига киришини даъво қилсак, у мушаббах бихининг томонидан содир бўлган нарсада кўринади. Хоҳ у ўша туркум отдан ё ҳақиқатидан бўлсин, хоҳ мушаббах бихининг ўз асл маъноларидан бири бўлсин фарқи йўқ. Бунда даъвонинг зоҳирига қаралади. Мисол учун “шижоат” унинг шер хусусиятларининг бири эканини даъво қилиш ҳолати ҳисобланиб, даъвонинг эътиборига кўра шер

<sup>55</sup> Қуръони карим: Иброҳим сураси, 1-оят.

<sup>56</sup> حفني باصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان – المنصورة، 2009. – ص. 117.

номини гўёки хайкал сифатида “кияди”. “Ўлим” ҳам бўрининг хусусиятларидан бирини акс эттирувчи даъвонинг ҳолидир. Қачонки унга чангалми ё озиқ тиш нисбат қилинса, унинг бўри экани исботланади. Шунингдек, чангал ва озиқ тиш сурати гавдаланса ҳам “ўлим”дан мақсад бўри деган даъво билан келганда, уни тасдиқлайди. Буни “орият” дейилади. Ориятга олувчи киши унга берилган ўзганинг нарчаси билан намоён бўлади. Икковининг фарқи шундаки, агар текширув олиб борилса, улардан фақат биттаси ҳақиқий мулкдор ҳисобланади.

Истиора аслида “икки тарафи”нинг бири (мушаббах ёки мушаббах биҳи), ўхшатиш объекти ва воситаси ҳазф қилинган(тушиб қолдирилган) ташбеҳдир. Истиорада мушаббах **“мустаор лаҳу”** (истиора қилинаётган, яъни, кўчма маъно унинг учун қўлланаётган сўз) дейилади. Юқоридаги ояти каримада “залолат” ва “ҳидоят” мустаор лаҳу бўлиб, мустаор минҳу эса “зулмат” ва “нур” сўзларининг маъноларидир. الظلمات ва النور лафзлари эса **“мустаор”** дейилади. Бунинг маъноси шуки, қоронғулик ва нур маъноларидан истиора қилинмоқда, уларнинг маъноси кўчма маънода қўлланыпти. Уларнинг айнан лафзлари эса мустаор дейилади, яъни бу сўзларнинг лафздан кўчма манони ифодалаш мақсадида фойдаланилган.

Кўришиб турибдики, бу ерда ажратиш қийин кўринаётган ўхшашлик бор. Бу сўзнинг англатадиган маъноси ва унинг шаклидир. Сўзнинг маъносидан кўчма маъно олиняпти ва бу сўзнинг шакли орқали баён қилиняпти.

Мушаббах биҳи гапда зикр қилинса ҳам, қилинмаса ҳам **“мустаор минҳу”** (المُسْتَعَار مِنْه – ундан истиора қилинувчи) деб, мушаббах эса “мустаор” (المُسْتَعَار – истиора қилинаётган гап бўлаги) деб аталади. Истиора “мустаор лаҳу”нинг мустаор минҳу туркумига киргизишга таянади, деб эшитганингиз бу – хабар беришга истиоранинг киришдан тийилишидаги сирдир.

Ушбу туркум ҳақида 2 хил фикр мавжуд: 1-фикрга кўра у луғавий ходиса, сабаби “шер” сўзи ўзига хос бўлмаган ўринда ишлатилган. Биз –

гарчи шижоатли кишини шерга ўхшатсак ҳам – “шижоат” сўзидан нарига ўтмаймиз, токи кишини шер суратида, деган хаёлга бормаслик ёки шаклан, жисмоний аъзолар ўхшашлиги, панжа, тиш каби шерга хос сифатларни кишига нисбат бермаслик учун. Лекин шижоат ҳам шерга хос сифатлардан. Аммо тил фақатгина ном бериш билан чекланиб қолмасдан, ҳолатни ҳам англатади.

2-фикр бўйича у луғавий эмас, балки ақлийдир. Негаки у даъво қилишдир. Унинг луғавий бўлиши сўзнинг кўчма маънода ишлатилишини тақозо қилади ва кишига шерлик сифатини инкор қилади.

قامت تظللني من الشمس      نفس أعز عليّ من نفسي  
قامت تظللني ومن عجب      شمس تظللني من الشمس

*Бир жон менга қуёшдан соя бериб турар, у менга азиздир ҳатто ўз жонимдан*

*Соя берарди менга, ажабки, бир қуёш соя берарди менга қуёшдан.*

ترى الثياب من الكتان يلمحها      نور من البدر أحيانا فيبليها  
فكيف تنكر أن تبلى معاجرها      والبدر في كل وقت طالع فيها

*Зигирдан кийимларни аҳёнда тўлин Ой нури ҳилтиратар ва тўзитар қандай инкор қиласан паранжилари тўзимас деб, ваҳоланки тўлин Ой ҳар вақт унда порлоқдир.*

Уни шер, Қуёш ёки Ой деб даъво қилиб олишдан қатъи назар “сўз ўз маъносида ишлатилмади” дейилмайди.

Келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, истиора аслида “икки тарафи”нинг бири (мушаббаҳ ёки мушаббаҳ бихи), ўхшатиш объекти ва воситаси ҳазф қилинган(тушиб қолдирилган) ташбеҳдир. Истиорада мушаббаҳ “*мустаор лаху*” (истиора қилинаётган, яъни, кўчма маъно унинг учун қўлланаётган сўз) дейилади. Мушаббаҳ бихи гапда зикр қилинса ҳам,

килинмаса ҳам “*мустаор минху*” (المُستَعَار مِنْهُ – ундан истиора қилинувчи) деб, мушаббах эса “мустаор” (المُستَعَار – истиора қилинаётган гап бўлаги) деб аталади.

### 3.2. Истиора ва унинг турлари.

Саккокий истиоранинг турлари ҳақида шундай дейди:

وأما بعد فإن خلاصة الأصلين هي أن الكلمة لا تفيد ألبتة إلا بالوضع أو الاستلزام بوساطة الوضع، وإذا استعملت فإما أن يراد معناها وحده أو غير معناها وحده أو معناها وغير معناها معاً. فالأول هو الحقيقة في المفرد وهي تستغني في الإفادة بالنفس عن الغير. والثاني هو المجاز في المفرد وأنه مفتقر على نصب دلالة مانعة عن إرادة معنى الكلمة. والثالث هو الكناية ولا بد من دلالة حال والحقيقة في المفرد والكتابة تشتركان في كونهما حقيقتين ويفترقان في التصريح وعدم التصريح، وغير معناها في المجاز إما أن يقدر قائماً مقام معناها بوساطة المبالغة في التشبيه أو لا يقدر والأول هو الاستعارة والثاني هو المجاز المرسل والمذكور في الاستعارة إما أن يكون هو المشبه به أو المشبه والأول هو الاستعارة بالتصريح والثاني هو الاستعارة بالكناية، وقرينها أن يثبت للمشبه أو ينسب إليه ما هو مختص بالمشبه به، والمشبه به المذكور في الاستعارة بالتصريح إما أن يكون مشبهه المتروك شيئاً له تحقق أو شيئاً لا تحقق له والأول والاستعارة التحقيقية والثاني التخيلية.<sup>57</sup>

Таъвилга (яъни, маънони ёйишликка) асосланган истиора ёлгон даъводан фарқ қилади. Зеро истиора билан гапирган киши ёлгон ишлатмаган бўлади. Ёлгончи ўз гумонининг аксига далил келтирмайди. Истиора васфининг баёнига тааллуқли жиҳатлар, унинг “истиора” деб номлангани, унинг тилга таяниши ва ботил – ёлгон даъводан фарқи маълум бўлгач, истиоранинг иккига – ошкора ва яширин истиорага бўлинишини кўриб ўтамыз.

<sup>57</sup> أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 192.

**1. Ошкора истиора (المصرحة).** Унда истиора айнан мушаббах биҳи вазифасидаги сўз билан баён қилинган бўлади. Масалан,

فَأَمْطَرَتْ لَوْلُوا مِنْ نَرْجِسٍ وَ سَقَتْ وَرْدًا

*У наргисдан маржон ёғдириб, атиргулни сугорди...*

Шоир “маржон”, “наргис” ва “атригул” сўзларини “кўз ёши”, “кўзлар” ва “ёноқлар” учун истиора қилган.

و كذاك في التشبيه مخبرها يا ليلة كالمسك منظرها

و الشمس أنهاها و أمرها أحبيتها و البدر يخدمني

*Эй манзари миск каби тун – унинг хабари шундайдир ўхшатишда,*

*Уни бедор ўтказдим – Ой менга хизматдаю, Қуёш ҳам тоатимда.*

Шоир ўз ходими ва ҳамроҳини ўша кечада тўлин Ой ва қуёшга ўхшатмоқда, Ой ва қуёш лафзларини кўчма маънода ишлатмоқда. Ҳақиқий тўлин Ой одамга хизмат қилмайди. Ҳақиқий қуёшга буйруқ ҳам қайтариқ ҳам берилмайди. Шунинг учун ҳам “хизмат”, “буйруқ”, “қайтариқ” сўзлари бу икки сўзнинг асл маънода келмаганига далил ҳисобланади. қуёш ва Ой сўзларининг ишлатилиши эса бу истиоранинг “тасриҳий”, яъни аниқ баён қилинган – ошкора истиора эканини билдиради.<sup>58</sup>

**2. Яширин истиора (المكثية - кинояли).** Истиоранинг бу турида “мушаббах биҳи” ҳазф қилинган ҳисобланади ва бунга ишора қилувчи сўз ишлатилади. Масалан,

﴿وَ اخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذَّلْمِ مِنَ الرَّحْمَةِ﴾<sup>59</sup>

<sup>58</sup> حفني باصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان – المنصورة، 2009. – ص. 117.

<sup>59</sup> Куръони карим: Исро сураси, 24-оят. أبي الكشاف عن حقائق التنزيل و عيون الأقاويل في وجوه التأويل. القاسم جار الله محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمي. الجزء الأول. مكتبة مصر.

### *Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни паслат*

Бу оятда " الذل " (хорлик) сўзи қушга ўхшатилди ва мушаббах бихи ("қуш" сўзи) " الذل " сўзига истиора қилинди. Сўнг "қуш" сўзи ҳазф қилиниб, уни билдирадиган "қанот" сўзи яширин истиора тариқасида ишлатилди.

Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий Куфа аҳлига мурожаат қилиб шундай деган:

إني لأرى رؤوسًا قد أينعتُ، وَ حَانَ قَطَافُهَا

*"Мен орангизда пишиб етилган бошларни кўряпман, уларни териб олиш вақти келди".*

Ҳажжож узишга лойиқ бошларни пишган мевага ўхшатган, мушаббах бихи бўлмиш "мева" сўзи тушиб қолган. Унга ишора берувчи "пишиб етилган", "териб олиш" сўзлари қўлланган.<sup>60</sup>

Ошкора истиора "тахқиқий" (реал) ва "тахйилий" (хаёлий, фантастик) бўлиши мумкин. Таҳқиқийдан мурод, унда (номи зикр қилинмасдан) тарк қилинган мушаббах ҳиссий ёки ақлий амалга ошувчи нарса бўлади. Тахйилийдан мурод эса, унда (зикри) тарк қилинган мушаббах айнан гумонли нарса бўлиб, унинг амалга ошиши фақат гумон, холос. Сўнг шу иккисининг ҳар бири "қатъий"га бўлинади. Бунда зикри тарк қилинган мушаббах ҳиссий ёки ақлий реалликни ифодалаш тайин бўлади. Ёки фақат гумон билан реалликка эга бўлиши мумкин. Эҳтимолликка кўра эса зикри тарк қилинган мушаббах гоҳ реал нарсани, гоҳ нореал нарсани ифодалашга муносиб бўлиши мумкин.

وإذ قد عرفنا الحقيقة في المفرد وفي الجملة، و عرفنا فيهما التصريح والكناية، و عرفنا المجاز في المفرد وفي الجملة، و عرفنا تنوع الكناية على تعريض وتلويح ورمز وإيماء وإشارة، و عرفنا تنوع المجاز على مرسل مفيد وغير مفيد وعلى استعارة مصرح بها ومكني عنها، و عرفنا ما يتصل بذلك من التحقيقية والتخييلية والقطعية والاحتمالية ومن الأصلية والتبعية على رأي الأصحاب دون رأينا على ما تقدم والمجردة

حفني باصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان - المنصورة، 2009. - ص. 118. <sup>60</sup>

والمرشحة، وحصل لنا العلم بتفاوت التشبيه في باب المبالغة على الضعف والقوة، وعلى كونه تشبيها مرسلا وكونه تمثيلا ساذجا وكونه تمثيلا بالاستعارة وكونه مثلا، وقضينا الوطر عن كمال الاطلاع على هذه المقاصد، فنقول: البلاغة هي بلوغ المتكلم في تأدية المعاني حدا له اختصاص بتوفية خواص التراكيب حقها وإيراد أنواع التشبيه والمجاز والكناية على وجهها، ولها أعني البلاغة طرفان أعلى وأسفل متباينان تباينا لا يتراءى له ناراهما وبينهما مراتب تكاد تفوت الحصر متفاوتة، فمن الأسفل تبتدى البلاغة وهو القدر الذي إذا نقص منه شيء التحق ذلك الكلام بما شبهناه به في صدر الكتاب من أصوات الحيوانات ثم تأخذ في التزايد متصاعدة على أن تبلغ حد الإعجاز وهو الطرف الأعلى وما يقرب منه

واعلم أن شأن الإعجاز عجيب يدرك ولا يمكن وصفه كاستقامة الوزن يدرك ولا يمكن وصفها وكالملاحة، ومدرك الإعجاز عندي هو الذوق ليس إلا، وطريق اكتساب الذوق طول خدمة هذين العلمين، نعم للبلاغة وجوه ملتزمة ربما تيسرت إمطة اللثام عنها لتجلي عليك. أما نفس وجه الإعجاز فلا. وأما الفصاحة فهي قسمان: راجع على المعنى، وهو خلوص الكلام عن التعقيد وراجع على اللفظ، وهو أن تكون الكلمة عربية أصلية وعلامة ذلك أن تكون على ألسنة الفصحاء من العرب الموثوق بعربيتهم أدور واستعمالهم لها أكثر لا مما أحدثها المولدون ولا مما أخطأت فيه العامة وأن تكون أجرى على قوانين اللغة وأن تكون سليمة عن التنافر، والمراد بتعقيد الكلام هو أن يعثر صاحبه فكر في متصرفه ويشيك طريقك على المعنى ويوعر مذهبك نحوه حتى يقسم فكرك ويشعب ظنك على أن لا تدري من أين تتوصل وبأي طريق.<sup>61</sup>

Шунингдек, истиора аслий ва табаъийга бўлинади:

**1.Аслий истиора (أصلية)**да худди зулматнинг залолатга, нурнинг хидоятга истиора қилинганига ўхшаб истиора қилинаётган сўз ясама исм бўлмайди. Мутанаббий қаламга таъриф бериб шундай дейди:

يَمُجُّ ظِلَامًا فِي نَهَارِ لِسَانِهِ      وَ يَفْهَمُ عَمَّنْ قَالَ مَا لَا يَسْمَعُ

*Тили кундузи ёқтирмас қоронғуни*

*эшитмай тушуниб олур айтгувчини.*

Мутанаббий қаламни инсонга ўхшатган, сўнг “инсон” сўзини – мушаббах бихини тушириб, ўрнига “тил” сўзини келтирган. Натижада

أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 193. <sup>61</sup>

“яширин истиора” юзага келган. Яна бир мисолни келтириш мумкин, Мутанаббий Сайфуддавллага мурожаат қилиб, дейди:

أَحْبَبُّكَ يَا شَمْسَ الزَّمَانِ وَ بَدْرَهُ      وَإِنْ لَامَنِي فِيكَ السُّهَاءُ وَ الْفِرَاقُ

*Ей замоннинг Қуёши ва Ойи, Севаман сени!*

*Гарчи Суҳо ва Бета маломат қилса ҳам мени.*

Сайфуддавла бир гал бутун кенглиги ва ойдинлиги билан қуёш ва тўлин Ойга ўхшатилди. Кейин эса (мушахббах бихини ифодалаётган) Қуёш ва Ой сўзларини келтиришлик билан ошқора усулда истиора қилинган. Сўнг бир марта мушаббах бихисиз у кичиклиги ва кўринмаслиги билан Суҳо ва Бета юлдузига ўхшатилган. Кейин эса бу икки сўзни келтириб, ошқора истиора қилинган.

Юқорида келтирилган истиорага мисолларда истиора қилинаётган сўзларнинг айнан ўзи қўллангани, уларнинг ўрнига табаъий истиорадаги каби бошқа сўз келмагани учун аслий истиора дейилади.<sup>62</sup>

**2. Табаъий истиора (تبعية)** да кўчма маънодаги сўзнинг ўзи эмас, балки унинг ўрнига бошқа сўз ишлатилади. Бу сўз кўчма маънодаги феъл, исм ёки ҳарфнинг ўрнига келиб, у англантиши керак бўлган маънони ифодалашга хизмат қилгани учун табаъий, яъни эргашган истиора деб номланган. Масалан,

رَكِبَ فَلَانٌ كَتَفِي غَرِيمَةٍ

*Фалончи жиноятнинг елкасига минди*

Бу ерда жиноятга қаттиқ ёпишиш маъносини бериш учун لَزِمَ феъли танланган эди. Кейин эса “маҳкам тутиш”, “эгаллаш”, “қаттиқ киришиш” мазмунини англатгани учун رَكِبَ – минмоқ феъли кўчма маънода ишлатилди. Бу феъл (яъни رَكِبَ феъли) لَزِمَ феълнинг маъносини, яъни ўзидан олдин

حَفَنِي بِأَصْفٍ. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان – المنصورة، 2009. - ص. 119. <sup>62</sup>

ихтиёр қилинган сўзни ифодалаш учун хизмат қилгани, унга эргашгани сабабли “табаъий истиорани”ни ҳосил қилган. "لزم الغريمة" – “жисноятни маҳкам тутди” иборасидан "رَكِبَ الغريمة" – “жисноятга минди” ибораси келиб чиқди.

﴿وَلَمَّا سَكَتَ عَنْ مُوسَى الْغَضَبُ﴾<sup>63</sup>

*Қачонки Мусодан ғазаб босилгач...*

Ғазабнинг тўхташи (انْتِهَاءُ الْغَضَبِ) сукунат ва осойишталиги жиҳатидан "سكوت الغضب" – сукут қилмоқ, жим бўлмоқ феълига ўхшатиш мумкин. Кейин "سكوت الغضب" ибораси келиб чиққан<sup>64</sup>.

Истиора гапда ифодаланишига кўра мурашшаҳа, мужаррада ва мутлақага бўлинади.

**1. Мурашшаҳа** (مرشحة - “номзоди илгари сурилган”). Бундай истиорада гап таркибида кўчма маънодаги сўзни “тарших” қилувчи (“номзодини қўллаб-қувватловчи”) сўзлар келади. Масалан,

﴿أولئك الذين اشتروا الضلالة بالهدى فما ربحت تجارتهم﴾<sup>65</sup>

*Ана ўшалар, ҳидоятга залолатни сотиб олганлардир. Ва тижоратлари фойда келтирмади*

Ҳидоятни залолатга “алмаштириш” – “الاستبدال” сўзи ўрнига “الاشترَاء” – “сотиб олиш” сўзи истиора қилинган. Сўнг “сотиб олиш” мавзусига тааллуқли “ريح” – “фойда” ва “تجارة” – “тижорат” сўзлари келган. Бу сўзлар кўчма маънодаги сўзни “қўллаб-қувватлаган”<sup>66</sup>.

<sup>63</sup> Қуръони карим: Аъроф сураси, 154-оят.

<sup>64</sup> حفني باصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان - المنصورة، 2009. - ص. 120.

<sup>65</sup> Қуръони карим: Бақара сураси, 16-оят.

<sup>66</sup> حفني باصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". - مصر: مكتبة الايمان - المنصورة، 2009. - ص. 121.

**2. Мужаррада** (مجردة - “холи” – тасдиқловчидан холи). Бунда эса гап таркибида кўчма маънодаги сўзни асл маънода келмаганини исботловчи сўз бўлади, бу сўз гапнинг мазмунига тааллуқли бўлади.

﴿فَأَذَاقَهَا اللَّهُ لِبَاسَ الْجُوعِ وَالْخَوْفِ﴾<sup>67</sup>

*Бас, Аллоҳ унга қилган ишлари учун очлик ва хавф кийимини тоттирди*

Очлик ва қўрқинчининг инсонни ўраб олиш, камраб олиш хусусиятига кўра “либос”га ўхшатишган. Шунинг билан бирга оятда либосга нисбатан “кийдирмоқ” эмас “тоттирмоқ” феъли ишлатилган. Бу феъл очлик ва қўрқинчга тааллуқли бўлиб, кўчма маънодаги сўзнинг ўз маъносида келмаётганини исботлайди<sup>68</sup>.

**3. Мутлақа** (مطلقة “эркин”). Бундай истиорада юқоридаги 2 ҳолат ҳам кузатилмайди. Гап таркибида кўчма маънодаги сўз соҳасига ҳам гапнинг мазмунига ҳам тааллуқли бирор сўз келмайди. Масалан,

﴿يَنْقُضُونَ عَهْدَ اللَّهِ﴾<sup>69</sup>

*Аллоҳнинг аҳдини бузадиганлар...*

نقض феъли аҳдни бузиш маъносида келган. Оят таркибида “бузиш”га оид бирор сўз келмаган, шунингдек, аҳдга тегишли сўз ҳам келмаган. Яна бир мисол:

بَرَزَتِ الشَّمْسُ فِي خَدْرِهَا

*“Қуёш чимилдигидан чиқди”*

Бу ерда ҳам худди шундай, аёл қуёшга ўхшатишган. Гапда на қуёшга ва на аёлга оид сўз келмаган.

Истиора қатнашган гапда, модомики, юқоридаги 2 ҳолатга тегишли сигнал сўз бўлмаса, бундай истиора мана шу 3-туркумга мансуб бўлади, яъни мутлақа бўлади<sup>70</sup>.

<sup>67</sup> Қуръони карим: Наҳл сураси, 112-оят.

<sup>68</sup> أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 195.

<sup>69</sup> Қуръони карим: Раъд сураси, 25-оят.

Истиора ҳақидаги фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, истиора ташбеҳнинг икки тарафидан бири бўлган мушаббах ҳамда мушаббах бихининг бирини жумлада қолдириб, иккинчисини назарда тутиш бўлиб, унда мушаббах мушаббах бихига ўхшатилади.. Бунда мушаббах учун далил қилиб мушаббах бихига хос нарса зикр қилинади (масалан, " في الحمام أسد " – "ҳаммомда шер бор").

Истиора ҳам киноя каби бир неча турга бўлинади:

**1. Ошкора истиора (المصرحة).** Унда истиора айнан мушаббах бихи вазифасидаги сўз билан баён қилинган бўлади.

**2. Яширин истиора (المكنية - кинояли).** Истиоранинг бу турида "мушаббах бихи" ҳазф қилинган ҳисобланади ва бунга ишора қилувчи сўз ишлатилади.

Шунингдек, истиора аслий ва табаъийга бўлинади:

**1. Аслий истиора (أصلية)** да худди зулматнинг залолатга, нурнинг ҳидоятга истиора қилинганига ўхшаб истиора қилинаётган сўз ясама исм бўлмайди.

**2. Табаъий истиора (تبعية)** да кўчма маънодаги сўзнинг ўзи эмас, балки унинг ўрнига бошқа сўз ишлатилади. Бу сўз кўчма маънодаги феъл, исм ёки ҳарфнинг ўрнига келиб, у англантиши керак бўлган маънони ифодалашга хизмат қилгани учун табаъий, яъни эргашган истиора деб номланган.

Истиора гапда ифодаланишига кўра мурашшаҳа, мужаррада ва мутлақага бўлинади.

**1. Мурашшаҳа (مرشحة - "номзоди илгари сурилган").** Бундай истиорада гап таркибида кўчма маънодаги сўзни "тарших" қилувчи ("номзодини қўллаб-қувватловчи") сўзлар келади.

**2. Мужаррада (مجردة - "холи" – тасдиқловчидан холи).** Бунда эса гап таркибида кўчма маънодаги сўзни асл маънода келмаганини исботловчи сўз бўлади, бу сўз гапнинг мазмунига тааллуқли бўлади.

---

<sup>70</sup> أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. مفتاح العلوم. - بيروت: دار الكتب، 1983. - ص. 196.

**3. Мутлақа** (مطلقة “эркин”). Бундай истиорада юқоридаги 2 ҳолат ҳам кузатилмайди. Гап таркибида кўчма маънодаги сўз соҳасига ҳам гапнинг мазмунига ҳам тааллуқли бирор сўз келмайди.

Шундай қилиб, ас-Саккокий маълумотларининг анализи шуни кўрсатадики, истиора ўз вазифалари билан бизларга метафора, метонимия ва синекдоха тушунчаларининг ўрнини босади.<sup>71</sup>

Ибн ал-Муътаз таснифида бешта фигура ичида биринчи ўринни “истиора” эгаллайди. Сўзнинг ўзи “ўзлаштириш” маъносини ифодалайди ва биз буни атама сифатида қўллаймиз.

“Истиора” метафора термини билан берилади, лекин биз юқорида келтирган далиллар бўйича бундай хулоса чиқариш қийин, биринчидан, бу сўз арабча “истиора” сўзига айнан мос тушмайди, иккинчидан “истиора” категорияларидан бири сифатида ҳисобланувчи метафора бу тушунчани тўлиқ қоплай олмайди: араб терминологияси бўйича “истиора” юнонча метафора, метонимия ва синекдоха ифодаладиган тушунчага тўғри келади. Истиора метафора терминига қачонки уни аристотелча маънода тушунилганда мос келиши мумкин эди. Маълумки, Аристотель фақат битта метафорани билар эди, лекин у яна тўртта категорияни ўз ичига олар эдики, биз уларни фақат метафора деб эмас, балки метонимия ва синекдоха деб атаймиз. Лекин ҳозирги кунда Аристотель ном берган метафора термини маъно жиҳатдан торайган. Шундай экан, уни унутилган маънода қўллашга ҳожат йўқ<sup>72</sup>.

XIII асрни араб тилшунослиги ва адабиётшунослигидаги балоғат илмига оид саволларга нуқта қўйган аср деб аташ мумкин. Чунки бу даврда балоғатга оид муҳим асарлар яратилган. Ибн Халдун ўзининг “Ал-

---

<sup>71</sup> Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида поэтика. – Тошкент: ТДШИ кичик босмаҳонаси, 2001. – Б.52.

<sup>72</sup> Крачковский. И.Ю. “Китаб ал-бадиъ”//Изб. Соч. М.-Л., 1960. Т. 6. – С.126.

Муқаддима”сида Саккокийнинг балоғат илмига қўшган хиссаси ҳақида шундай деган: “Турли олимлар томонидан байон илмига оид саволлар тобора кўпая бошлади. Лекин Саккокий саволлар тузилишини ўзгартирди, бобларнинг тартибини тўғрилади. У “Мифтаху-л-улум” асарини синтаксис (наҳв), флексия ва байонга бағишлади. Бадиъни эса балоғатнинг учинчи қисми деб олди. Бу тартиб ҳозирга қадар сақланган”<sup>73</sup>. Албатта, Саккокий ўз асари билан бу борадаги ҳар қандай ўзбошимчаликка чек қўйди.

---

ابن خلدون. المقدمة. بيروت: دار الكتب، 2003. – ص. 485.<sup>73</sup>

## ХУЛОСА

Мавзуни ўрганиш асносида қуйидаги хулосалар ҳосил қилинди:

1. Луғатда балоғат сўзи "الوصول", "النهاية" – “етиш, охирига етиш” маъноларига эга. Инсон фасоҳатли бўлмай туриб, балоғатли бўла олмайди. Демак, балоғатнинг муҳим шартларидан бири фасоҳатли, фасих бўлишдир.
2. Балоғат илми III(хижрий)/IX(милодий) асрдан бошлаб алоҳида илм сифатида шакллана бошлаган. Жоҳилият даври шеърлятида ҳам балоғат илмига ёрқин мисолларни кўриш мумкин. Ислом даврида эса энг балоғатли каломлар йиғиндиси Қуръони карим бўлган ва у балоғат илмининг шаклланишига асос бўлган.. Балоғат илми ўрганила бошлангандан кейин жуда кўп тилшунос олимлар уни ўрганишда ўз хиссаларини қўшдилар ва балоғатга оид асарлар ёздилар. Шундай тилшунос олимлар қаторида ватандошларимиз бўлган Замахшарий ва Саккокийнинг балоғат илмига, унинг ривожланишига қўшган хиссалари беқиёсдир. Шунингдек, бошқа тилшунос ва адабиётшунос олимлар ҳам балоғат илмига оид асарлар ёзганларки, улар ҳам балоғатнинг ривожига катта ўрин тутган.
3. Балоғат илми уч қисмдан ташкил топган. Улар:
  - **Баён илми** (علم البيان) – турли хил йўллар билан битта маънони ифодалаб бериш;
  - **Маъно илми** (علم المعاني) – айтилган сўзнинг вазият, ҳолатга мос тушиши;
  - **Бадиъ илми** (علم البديع) – гапни безаш, гўзал шаклга келтириш санъати.

**Баён илмида** маъно ўзгармаган ҳолатда, уни ифодаловчи сўзлар ўзгаради. Бундан мақсад тингловчига бир нарсани турли йўллар билан тушунтиришдир.

Балоғат илмининг иккинчи бўлими бўлмиш **маъоний илми** баён илмига караганда кейинроқ пайдо бўлган. Илму-л-маъоний илму-л-баёндан фарқли равишда бир сўз, сўз бирикмаси ёки жумла орқали бир неча хил маъно англатишни ўрганади.

**Илму-л-бадиъ** балоғат илмининг учинчи қисмини ташкил этади. Бу қисмнинг номи "بدع" феълидан олинган бўлиб, у "илгари унга ўхшаши бўлмаган бирор янги нарса яратиш" деган маънони билдиради.

4. Байон илмига кирувчи киноя араб тилида кенг қўлланилади. "الكناية" (киноя) сўзи كني феълидан олинган бўлиб, "бирор белги орқали билдириш" маъносини англатади. Асл маъно бошқа сўзлар воситасида "яширингани" сабабли мажознинг бу тури "الكناية – белги билан ишора қилиш, деб номланган. "الكناية" сўзидаги "ك ن ي" ўзак ҳарфлари қай тартибда жойлашишидан қатъий назар "бекиниш", "махфийлик" мазмунини ўз ичига олади.

5. Киноя мажозга ўхшасада уларнинг орасида фарқ мавжуддир, яъни:

а) кинояда кўчма маънодаги иборани ўз маъносида ишлатиш ҳам мумкин ва бу, мажоздагидан фарқли равишда, ҳақиқатдан йироқ бўлмайди;

б) киноя сўз ёки иборанинг мазмунан ўз маъносидан чиқиб кўчма маънога ўтиши асосига қурилади. Мажозда эса аксинча, кўчма маъносидан ўз маъносига кўчиш асосига қурилади.

6. Балоғат илмида киноянинг 3 тури мавжуд:

1) Сифатланмиш ҳақида киноя қилиш (сифат, хусусиятни ифодалаш учун айтиладиган киноя – "الكناية عن الصفة" ) - " جاء المضياف " – *меҳмондўст келди.*

- 2) Сифатловчи ҳақида киноя қилиш (Сифат, хусусиятга эга инсонни таърифлаш учун айтиладиган киноя – "الكناية عن الموصوف" - عريض القفا – *гардани кенг*, яъни овсар телбасифат маъносида.
- 3) Сифатни сифатланмишга хослаш (сифат, хусусиятга эга инсон билан ўша сифат ёки хусусият орасидаги боғлиқликни ифодалаш учун айтилаётган киноя – "الكناية عن النسبة"); (бу ердаги сифатдан мурод “сахий”даги саховат, “шижоатли”даги шижоат сўзидир) - “المجدُّ بين ثوبيه والكرم بين بُرديّه” (*улуглик унинг либоси орасида, саховат унинг тўни орасида*).
7. Истиора аслида “икки тарафи”нинг бири (мушаббах ёки мушаббах биҳи), ўхшатиш объекти ва воситаси ҳазф қилинган(тушиб қолдирилган) ташбеҳдир. Истиорада мушаббах “мустаор лаху” (истиора қилинаётган, яъни, кўчма маъно унинг учун қўлланаётган сўз) дейилади. Мушаббах биҳи гапда зикр қилинса ҳам, қилинмаса ҳам “мустаор минху” (المُسْتَعَار مِنْهُ – ундан истиора қилинувчи) деб, мушаббах эса “мустаор” (المُسْتَعَار – истиора қилинаётган гап бўлаги) деб аталади.
8. Истиора ҳам киноя каби бир неча турга бўлинади:

1) Ошкора истиора (المصرحة). Унда истиора айнан мушаббах биҳи вазифасидаги сўз билан баён қилинган бўлади.

2) Яширин истиора (المكنية - кинояли). Истиоранинг бу турида “мушаббах биҳи” ҳазф қилинган ҳисобланади ва бунга ишора қилувчи сўз ишлатилади.

Шунингдек, истиора аслий ва табъийга бўлинади:

1) Аслий истиора(أصلية) да худди зулматнинг залолатга, нурнинг ҳидоятга истиора қилинганига ўхшаб истиора қилинаётган сўз ясама исм бўлмайди.

2) Табаъий истиора (تبعية) да кўчма маънодаги сўзнинг ўзи эмас, балки унинг ўрнига бошқа сўз ишлатилади. Бу сўз кўчма маънодаги феъл, исм ёки ҳарфнинг ўрнига келиб, у англиштиши керак бўлган маънони ифодалашга хизмат қилгани учун табаъий, яъни эргашган истиор а деб номланган.

Истиора гапда ифодаланишига кўра мурашшаҳа, мужаррада ва мутлақага бўлинади.

1) Мурашшаҳа ( - مرشحة “номзоди илгари сурилган”). Бундай истиорада гап таркибида кўчма маънодаги сўзни “тарших” қилувчи (“номзодини қўллаб-қувватловчи”) сўзлар келади.

2) Мужаррада ( - مجردة “холи” – тасдиқловчидан холи). Бунда эса гап таркибида кўчма маънодаги сўзни асл маънода келмаганини исботловчи сўз бўлади, бу сўз гапнинг мазмунига тааллуқли бўлади.

3) Мутлақа ( مطلقه “эркин”). Бундай истиорада юқоридаги 2 ҳолат ҳам кузатилмайди. Гап таркибида кўчма маънодаги сўз соҳасига ҳам гапнинг мазмунига ҳам тааллуқли бирор сўз келмайди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

### I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

- 1.1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
- 1.2. Каримов И.А. // Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. – Тошкент, 1997 йил, 20 октябрь.
- 1.3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз // Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
- 1.4. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006.
- 1.5. Каримов И. А Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

### II. Асосий адабиётлар:

#### Ўзбек тилидаги адабиётлар:

- 2.6. Анвар Аҳмад. Авомил(Журжоний асарининг таржимаси). Т., 2012.
- 2.7. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида поэтика. – Тошкент: ТДШИ кичик босмахонаси, 2001.
- 2.8. Носирова М.А. Тилшунослик билимлари тарихи (Араб тилшунослиги). – Тошкент: “Семурғмедиа” МЧЖ нашриёти, 2011.
- 2.9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “И” ҳарфи.

**2.10.** Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Т. 2002.

Рус тилидаги адабиётлар:

**2.11.** Аристотель. Риторика. Античные риторики/под ред. Тахо-Годи.- М.:1978.

**2.12.** М. Кулиева. Вопросы теории арабской литературы на основе «Мифтах ал-улум» Ас-Саккаки: Дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1983.

**2.13.** И.Ю.Крачковский. «Избранные соч.» 2-т. М.-Л. 1956.

**2.14.** И.Ю.Крачковский. «Избранные соч.» 6-т. М.-Л. 1960.

**2.15.** С. Рустамий. Роль и место ученых из Средней Азии в развитии «искусства красноречия» – ‘илм ал-балага. //«Востоковедение и африканистика в диалоге цивилизаций»// 22–24 апреля 2009 Тезисы докладов-Санкт-Петербург, 2009.

**2.16.** И. Н.Хайбуллин. Стилистика арабского языка. – М.: Наука, 1999.

Инглиз тилидаги адабиётлар:

**2.17.** Abubakre. Bayan in Arabic Rhetoric: An analysis of the core of Balagha. Ibadan: Intec Printer Limited, 1989.

**2.18.** Dr Barihi Adetuhji. Arabic rhetoric I (Bayan). Federal college of Education. Nigeria. Osiele. Abeokuta, 2004.

**2.19.** Ibrahim Mustafa. Al-bayan. Volume 4. Cairo: Boulaq, 1990.

**2.20.** Hussein Abdul-Raof. Arabic Rhetoric. A pragmatic Analysis. London & New York: Routledge, 2006.

**2.21.** Julie S. Meisami and P. Starkey. Encyclopedia of Arabic Literature. London & New York: Routledge, 1998.

2.22. Muhsin Almusawi. Oxford Encyclopedia of Rhetoric, "Arabic rhetoric" in Thomas O. Sloane. Oxford: Oxford University Press, 2001.

أراب تليداغي ادابيئتلا:

- 2.23. حفني ناصف. قواعد اللغة العربية "البلاغة". مصر. مكتبة الإيمان – المنصورة. 2009. ص.144.
- 2.24. مفتاح العلوم. أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي. بيروت. دار الكتب. 1983. ص.346.
- 2.25. الكشف عن حقائق التنزيل وعيون الأقاويل في وجوه التأويل. أبي القاسم جار الله محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمي. الجزء الأول. مكتبة مصر. 1999. ص.278.
- 2.26. الكشف عن حقائق التنزيل وعيون الأقاويل في وجوه التأويل. أبي القاسم جار الله محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمي. الجزء الثاني. مكتبة مصر. 1999. ص.256.
- 2.27. الكشف عن حقائق التنزيل وعيون الأقاويل في وجوه التأويل. أبي القاسم جار الله محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمي. الجزء الثالث. مكتبة مصر. 1999. ص.234.
- 2.28. الكشف عن حقائق التنزيل وعيون الأقاويل في وجوه التأويل. أبي القاسم جار الله محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمي. الجزء الرابع. مكتبة مصر. 1999. ص.280.
- 2.29. الكشف عن حقائق التنزيل وعيون الأقاويل في وجوه التأويل. أبي القاسم جار الله محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمي. الجزء الخامس. مكتبة مصر. 1999. ص.282.
- 2.30. أساس البلاغة: انطلق لسانه بها وخلصت لغته من اللكنة. أبي القاسم جار الله محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمي. 1990. ص.332.
- 2.31. مصطفى امين و علي جارم. البلاغة الواضحة. البيان. المعاني. البديع. – القاهرة. دار المعارف. 1987. ص.240.
- 2.32. أحمد القلقشندي. صبح الأعشاء في صناعة الانشاء. – مصر. 1980. ص.280.
- 2.33. بغية الوعاة في طبقات اللغويين و النحاة، جلال الدين عبد الرحمان السيوطي، لبنان، المكتبة العصرية.
- 2.34. كارل بروكلمن، تاريخ الادب العربي تح: رمضان عبد التوب، دار المعارف، بيروت.

- 2.35. ابو يعقوب يوسف بن ابي بكر محمد السكاكي، مفتاح العلوم، تحقيق الدكتور عبد الحميد هنداوي. 2000.
- 2.36. محمدباقر الاصبهاني، روضات الجنات، الدار الاسلامية، بيروت، 1991.
- 2.37. مفتاح العلوم، أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد السكاكي، تحقيق الدكتور اكرم عثمان يوسف، س1982.
- 2.38. احمد مطلوب، البلاغة عند السكاكي.
- 2.39. عبد الرحمن بن محمد بن محمد، ابن خلدون، مقدمة ابن خلدون، القاهرة..
- 2.40. حاجي خليفة، كشف الظنون، دار الفكر، بيروت، ط 1982.
- 2.41. الشيخ بهاء الدين سبكي، عروس الافراح في شرح تلخيص المفتاح، تح الدكتور عبدالحميد هنداوي، المكتبة العصرية، بيروت، 2003.
- 2.42. شوقي ضيف، البلاغة تطور و تاريخ، دار المعارف.
- 2.43. عبد المتعالي سعدي، بغية الايضاح لتلخيص المفتاح، رياض؛ مكتبة المعارف.
- 2.44. الدكتور عبد العزيز عتيق، علم المعاني علم البيان علم البديع، بيروت-دار النهضة العربية.
- 2.45. اسرار البيان. حسن محمد علي. القاهرة. 1975.
- 2.46. البلاغة الواضحة. علي جارو، مصطفى امين. القاهرة. 1961.
- 2.47. البلاغة العربية – المعاني والبيان والبديع. أحمد مطلوب. العراق. 1980.
- 2.48. البلاغة الططور والتاريخ. شوقي الديف. القاهرة. 1965.
- 2.49. ديوان المعاني. ابو حلال العسكري. القاهرة. 1934.
- 2.50. علوم البلاغة والبيان والبديع. مصطفى أحمد. القاهرة: مكتبة المحمدية التجارية. 1998.
- 2.51. اعراب القرآن الكريم. محمد طيبي. بيروت. 2007.
- 2.52. الإيضاح في علوم البلاغة. الخاطب قزويني. القاهرة. 1982.

### Ш. Қўшимча адабиётлар:

#### Ўзбек тилидаги адабиётлар:

- 3.53. Б. Иброхимов, “Араб тили (илк сабоқлар)”, Тошкент: “Университет”, 1991.

- 3.54.** Н.И. Иброҳимов, М. Юсупов. “Араб тили грамматикаси”. 1-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 1997.
- 3.55.** Э. Талабов. Араб тили. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1993.
- 3.56.** М. Ҳасанов, М. Абзалов. Араб тили дарслиги. Тошкент: “Мовароуннахр”, 2005.

Рус тилидаги адабиётлар:

- 3.57.** А.А. Ковалев, Г.Ш.Шарбатов “Учебник арабского языка” Москва, “Восточная литература” РАН, 1998.
- 3.58.** Б.З.Халидов, “Учебник арабского языка”, Тошкент: “Ўқитувчи”, 1981.

**IV. Луғатлар:**


- 4.59.** Қурбонов Д. Адабиётшунослик луғати. Т., 2010.
- 4.60.** Ан-набийм арабча- ўзбекча луғат. Тошкент: Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2003.
- 4.61.** Баранов Х.К. “Арабско – русский словарь”, Москва, 1985.
- 4.62.** Борисов Б.Г. “Русско – арабский словарь”, Москва, 1982.
- 4.63.** A dictionary of literary terms. J.A. Cuddon. Penguin reference. Harmondsworth: Penguin books, 1979.

**V. Интернет сайтлари:**


- 5.64. [www.ziyo.uz](http://www.ziyo.uz)
- 5.65. [www.arabiya.com](http://www.arabiya.com)
- 5.66. [www.arabic.com](http://www.arabic.com)
- 5.67. [www.sarf.uralm.com](http://www.sarf.uralm.com)

Илова

**Балоғат илми уч қисмга бўлинади:**



## Баён илми



**Балоғат илмида киноя уч турга бўлинади:**

# الكناية

Киноя

الكناية عن النسبة

нисбатни  
ифодаловчи киноя

المجد بين ثوبيه

улуғлик унинг  
либоси орасида

الكناية عن الموصوف

сифатга эга  
инсонни  
таърифлаш учун  
киноя

قتلت ملك الوحوش

Ваҳший ҳайвонлар  
шоҳини ўлдирдим  
(яъни шерни)

الكناية عن الصفة

сифатни ифодалаш  
учун киноя

طويل النجاد

қиличининг қини  
узун (яъни бўйи  
узун)